

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА**

**МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ГУЛИСТОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**«ФАКУЛЬТЕТЛАРАРО ЖИСМОНИЙ МАДАНИЯТ ВА СПОРТ»  
КАФЕДРАСИ**



**“Жисмоний маданият ва спорт” фанидан тайёрланган ўқув-  
услубий мажмуа**

Билим соҳаси: 100000 - гуманитар

Таълим соҳаси: 110000 - педагогика

Таълим йўналиши: барча йўналишлар учун

Ўқув-услубий мажмуа лий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2011 йил 17 -сентябрдаги392-сон буйруғи билан тасдиқланганнауний дастур асосида ишлаб чиқилган.

**Тузувчилар:**Сарибаев Ш.Т.-“Факультетлараро жисмоний маданият ва спорт” кафедраси мудири, п.ф.н., Бекмуродов А.Ж., Эшонкулов Ў.Р .-“Факультетлараро жисмоний маданият ва спорт” кафедраси ўқитувчилари. «Жисмоний маданият ва спорт» фанидан замонавий педагогик технологиялар асосида тайёрланган ўқув-услубий мажмуа. 2-қисм. Гулистон-2017й,80 бет.

Тақризчилар:

М.Баирбеков- ГДУ, Жисмоний маданият факультети декани, п.ф.н. доцент.

Ж.Комилов- ГДУ Жисмоний маданият назарияси ва методикаси кафедраси доценти в.б, п.ф.н.

Ушбу ўқув-услубий мажмуа ГулДУ Кенгashi томонидан ( баённома № , . 201 й) нашрға тавсия қилинган.

## **МУНДАРИЖА**

Кириш.....	3 бет
1.«Жисмоний маданият ва спорт» фани силлабуси.....	5 бет.
2. Амалий машғулотлар учун услугбий кўрсатмалар.....	14 бет
3. Мустақил таълим бўйича материаллар.....	58 бет
4.Глоссарий.....	63 бет
5.Иловалар.....	69 бет

## КИРИШ

Ўзбекистон ўз мустақиллигини қўлга киритган дастлабки кунларданоқ жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш ишларига катта эътибор бериб келинмоқда. Баркамол ёш авлодни тарбиялаш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири сифатида белгиланди. Бу борада қатор фармон ва қарорлар қабул қилинди. Мамлакатимизда олиб борилаётган кенг кўламли ишлар олий таълим муассасаси жисмоний тарбия ва спорт кафедралари профессор-ўқитувчилари ҳамда мураббийлар зиммасига улкан масъулият юклайди. Жисмоний тарбия ва спорт ёшларни ҳаётга, ижтимоий фойдали меҳнатга тайёрлаш, жисмоний қобилияtlарини мукаммалаштириш, Ватан мудофаасига тайёрлаш, уларнинг бекаму кўст камол топишларига хизмат қиласди.

Ушбу ўқув дастури олий таълим муассасаларининг барча ўқув (асосий ўқув гурухи, маҳсус тиббиёт (тайёрлов) гурухи ва вақтинчалик жисмоний юкламалардан озод қилинганлар гурухи) гурухлари талабалари учун тузилган.

Дастурни тузишда Ўзбекистон Республикасининг “Талим тўғрисида” Қонуни, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, “Жисмоний тарбия тўғрисида” қонуни, Вазирлар Маҳкамасининг 589 - “Ёш авлодни соғломлаштириш муаммоларини комплекс ҳал қилиш тўғрисида” қарори, Ўзбекистон Республикаси маданият ва спорт ишлари, Халқ таълими, Олий ва ўрта маҳсус талим, Соғлиқни сақлаш, Қишлоқ ва сув хўжалиги, Ички ишлар, Мудофаа вазирликлари, касаба уюшмалари Федерацияси кенгашининг 1999 йил 24 декабрдаги “Ўзбекистон ахолисининг саломатлик даражасини аниқлайдиган “Алпомиш” ва “Барчиной” тестларини жорий етиш ҳақида” 4/14 қўшма қарори каби меъерий ҳужжатларга асосланилди.

Дастурда олий таълим муассасаларининг 1-2 босқич талабаларини “Жисмоний маданият ва спорт” ўқув фани бўйича назарий, амалий жисмоний тайёрлаш асослари акс эттирилган. Улар олий таълим муассасаси дарс жараёни ҳамда дарсдан ташқари тадбирларида спорт билан мустақил шуғулланиш, жисмоний тайёргарликни такомиллаштириш, саломатликни мустаҳкамлаш учун зарур бўлган билим, малака ва қўникмаларнинг асоси саналади.

**« Жисмоний маданият ва спорт » фанидан  
2017/2018 ўкув йили учун мўлжалланган  
СИЛЛАБУСИ (бахорги семестр)**

Фаннинг қисқача тавсифи			
<b>ОТМНИНГ НОМИ ВА ЖОЙЛАШГАН МАНЗИЛИ:</b>	Гулистан давлат университети	Гулистан ҳаҳри, 1У микрорайон	
<b>Кафедра:</b>	Жисмоний тарбия ва спорт	“Жисмоний маданият” факультети	
<b>Таълим соҳаси ва йўналиши:</b>	5112000– табиий фанлар	5112000- Жисмоний маданият ва спорт	
<b>Фанни (курсни) олиб борадиган ўқитувчи тўғрисида маълумот:</b>	Ўқитувчи Эшонқулов Ўқтам	<b>e-mail:</b>	O. Eshoqulov_55@mail.ru
<b>Дарс вақти ва жойи:</b>	Спорт зал. Стадион	<b>Курснинг давомийлиг и:</b>	04.09.2017-21.01.2018
<b>Индивидуал график асосида ишлаш вақти:</b>	Чоршанба вашанба кунлари 15.00 дан 17.00 гача		
<b>Фанга ажратилган Соатлар</b>	<b>Аудитория соатлари</b>	<b>Мустақил таълим:</b>	24
<b>Фаннинг бошқа фанлар билан боғлиқлиги :</b>	Енгил атлетика, Миллий ва харакатли ўйинлар. Спорт ўйинлари Валейбол .Футбол.Баскетбол.Гимнастика. Спорт психологияси, спорт фаолиятининг назарий асослари каби фанлар “Жисмоний маданият ва спорт” фанининг методологик асосларига таянган холда иш кўрадилар		
Фаннинг мазмуни			
<b>Фаннинг долзарблиги ва қисқача мазмуни:</b>	<b>1.1. Фаннинг мақсади ва вазифалари</b> <p>Фани ўқитишдан мақсад – талабаларда жисмоний маданиятни ошириш, уларни ватанпарварлик рухида тарбиялаш, ҳаётнинг турли жабҳаларида жисмоний тарбия воситаларидан самарали фойдаланиш ва баркамол авлодни тарбиялашга мос билим, кўникма ва малакаларини мустаҳкамлашдир.</p> <p>Фанинг вазифаси - талабаларга жисмоний тарбия машқларининг самараси ҳақида билимлар бериш, уларда жисмоний машқларни онгли равишда бажариш кўникмасини ҳосил қилиш, уларнинг жисмоний сифатларни ривожлантиришдан иборат.</p>		

<b>Талабалар учун талаблар</b>	<ul style="list-style-type: none"> <li>- ўқитувчига ва гурухдошларга нисбатан ҳурмат билан муносабатда бўлиш;</li> <li>- университет ички тартиб - интизом қоидаларига риоя қилиш;</li> <li>- уяли телефонни дарс давомида ўчириш;</li> <li>- берилган уй вазифаси ва мустақил иш топшириқларини ўз вақтида ва сифатли бажариш;</li> <li>- кўчирмачилик (плагиат) қатъиян ман этилади;</li> <li>- дарсларга қатнашиш мажбурий ҳисобланади, дарс қолдирилган ҳолатда қолдирилган дарслар қайta ўзлаштирилиши шарт;</li> <li>- дарсларга олдиндан тайёрланиб келиш ва фаол иштирок этиш;</li> <li>- талаба ўқитувчидан сўнг, дарс хонасига - машғулотга киритилмайди;</li> <li>- талаба рейтинг баллидан норози бўлса эълон қилинган вақтдан бошлаб 1 кун мобайнида апелляция комиссиясига мурожат қилиши мумкин</li> </ul>
<b>Электрон почта орқали муносабатлар тартиби</b>	Профессор-ўқитувчи ва талаба ўртасидаги алоқа электрон почта орқали ҳам амалга оширилиши мумкин, <b>телефон орқали баҳо масаласи муҳокама қилинмайди, баҳолаш фақатгина университет худудида, ажратилган хоналарда</b> ва дарс давомида амалга оширилади. Электрон почтани очиш вақти соат 15.00 дан 20.00 гача

**Фандан ўтиладиган мавзулар ва улар бўйича машғулот турлариغا  
ажратилган соатларнинг тақсимоти  
2-семестр**

Т/р	<b>Фанинг бўлими ва мавзуси, маъruzza мазмуни</b>	Соатлар			
		Жами	Маъруза	Амалий машғулот	Мустаки л тајим
1.	Граната улоқтириш техникасига ўргатиш	4		2	2
2.	Эстафетали югуриш техникасига ўргатиш	2		2	
3.	Узунликка сакраш техникасига ўргатиш	4		2	2
4	Назорат талабларини қабул қилиш	4		4	

5	Жарима майдончасида түпни саватга ташлаш техникасига ўргатиш	4		2	2
6	Жарима түпни ташлаш техникасини ўргатиш	4		2	2
7	Баскетбол ўйини ва унда хакамлик қилиш	4		2	2
8	Хужум зарбини бериш техникасига ўргатиш	2		2	
9	Хужум ва ҳимоя техникасига ўргатиш	4		2	2
10	Волейбол ўйини ва ўйинда хакамлик қилиш қоидалари	2		2	
11	Жарима ва бурчак түпларини бажариш техникасига ўргатиш	4		2	2
12	Түпни бош билан бир-бирига узатиш техникасига ўргатиш	5		2	4
13	Түпни бир-бирига узатиш техникасини ўргатиш	4		2	2
14	Футбол ўйини ва унда хакамлик қилиш	2		2	
15	Орқага ўмбалоқ ошиш ва куракларда тик туриш техникасига ўргатиш	4		2	2
16	Турниқда машқ бажариш.	2		2	
17	Брусьяда машқ бажариш.	4		2	2
<b>Жами</b>		<b>60</b>		<b>36</b>	<b>24</b>
<b>Курс бўйича жами соат</b>		<b>120</b>	<b>16</b>	<b>56</b>	<b>48</b>

## 2. Ўқув материаллари мазмуни

### 2.2. Амалий машғулотлар мазмуни

#### 2.2.1. Граната улоқтириш техникасига ўргатиш. (2 соат)

Улоқтириш машқлари ҳақида талабаларда тушунча ҳосил қилиш. Граната улоқтириш сектори. Улоқтирувчиларнинг маҳсус машқлари. Граната улоқтириш техникасини фазаларга бўлиб ўргатиш.[A1.210-227; A3.45-49]

#### 2.2.2. Эстафетали югурниш техникасига ўргатиш(2 соат)

Эстафетали югурниш турлари. Мусобақа ўтказиш жойлари. Таёқчани узатиш ва қабул қилиш техникасига ўргатиш. Жамоа бўлиб ўрганилган ҳаракат малакаларини такомиллаштириш.[A1.210-227; A3.45-49]

### **2.2.3. Узунликка сакраш техникасини тақомиллаштириш. (2соат).**

Узунликка сакраш усуллари ҳақида тушунча бериш, “оёқларни букиб” усулида узунликка сакраш техникаси ҳақида талабаларда тасаввур ҳосил қилдириш, сакровчиларнинг махсус машқларини ўргатиш, ерга тушиш техникасига ўргатиш, югуриб келиш ва депсиниш техникасига ўргатиш, ҳавода бажариладиган ҳаракатларга ўргатиш, тўлиқ техникани тақомиллаштириш. [A1.210-227; A3.45-49]

### **2.2.4. Назорат талабларини қабул қилиш. (2 соат).**

Ўргатилган енгил атлетика турларидан талабаларнинг техникани ўзлаштириш даражалари ва жисмоний кўрсаткичларини аниqlаш. Назорат талаблари мусобақа шароитида қабул қилинади, мусобақа жойларини талаб даражасида тайёрлаш, хужжатлаштириш ишларини талаб даражасида ташкил этиш.[A1.48-85;A2.47-165]

### **2.2.5. Жарима майдончасида тўпни саватга ташлаш техникасига ўргатиш. (2соат)**

Тўпни бир қўллаб елкадан ташлашга ўргатиш. Тўпни икки қўллаб кўкракдан ташлаш техникасига ўргатиш. тўпни бир ва икки қўллаб тепадан ташлаш техникасига ўргатиш.[A4.70-73, 99-101].

### **2.2.6. Жарима тўпини ташлаш техникасини тақомиллаштириш.(2 соат)**

Баскетбол тўпи ва ҳалқаси ҳақида тушунча бериш. Баскетбол тўпини тўғри ушлаш ва қўлдан чиқаришга ўргатиш. Тўпни саватга ташлаш техникасига ўргатиш, ҳар хил холатда туриб тўпни саватга ташлашга ўргатиш. Югуриб келиб тўпни ташлашда қадам ташлаш техникасига ўргатиш. [A4.70-73, 99-101].

### **2.2.7. Баскетбол ўқув ўйини ва ҳакамлик қилиш. (2 соат)**

Баскетбол ўйинида ҳакамлар ҳайъати ва уларнинг вазифаларини тушунтириш. Ўйин қоидалари билан таништириш. Баскетболда очколарнинг ҳисобини олиб бориш. Ўйиннинг давомийлигини ва таймлар сони ҳақида тушунча бериш.[A3.103-112].

### **2.2.8. Хужум зарбини бериш техникасига ўргатиш. (2 соат)**

Хужум зарбини беришга хос сакраш элементларини бажариш. Югуриб келиб хужум зарби бериш ҳаракатларини тўпсиз бажариш. Югуриб келиб хужум зарби бериш ҳаракатларини тўп билан бажариш. Тўрдан қисқа кўтарилигандан тўпга зарба бериш техникасига ўргатиш. Баланд кўтарилигандан тўпга зарба беришга ўргатиш. 2 чи зонадан зарба бериш.[A5.72-84, A5.30-34,].

### **2.2.9. Хужум ва ҳимоя техникасига ўргатиш. (2 соат)**

Биринчи зонадан узатилган тўпга зарба бериш, иккинчи зонадан узатилган тўпга зарба бериш техникасига ўргатиш. Берилган ҳужум зарбига бир кишилик, икки кишилик. Уч кишилик бўлиб тўсик қўйиш техникасига ўргатиш. Алдамчи ҳаракатларга ўргатиш. [A5.72-84, A5.30-34,].

### **2.2.37. Волейбол ўйини ва ўйинда ҳакамлик қоидалари. (2соат)**

Волейбол ўйинида ҳакамлар ҳайъати ва уларнинг вазифаларини тушунтириш. Ўйин қоидалари билан таништириш. Волейболда очколарнинг ҳисобини олиб бориш. Ўйиннинг давомийлигини ва таймлар сони ҳақида тушунча бериш.[A5.72-84, A5.28-29].

## **2.2.10. Жарима ва бурчак тўпини бажариш техникасига ўргатиш. (2 соат)**

“Пеналти” тўпи тепиш техникасига ўргатиш. Эркин ва жарима тўпи тепиш техникасига ўргатиш. Бурчак тўпни айлантириб тўғри дарвозага йўналтириш техникасига ўргатиш. Бурчак тўпини жарима майдони ичкарисига етказиб бериш техникасига ўргатиш. [A7.37-41, A8. 155-160, K8. 3-21;].

## **2.2.11. Тўпни бош билан бир-бирига узатиш техникасига ўргатиш.(2соат)**

Юқоридан келган тўпни тўғридаги шеригига узатиш техникасига ўргатиш. Сакраб келган тўпни бош билан ён томонга узатишга ўргатиш. Ўргатилган ҳаракатларни жойда ва ҳаракатда бажариш.[A4.51-56, A4. 155-160,].

## **2.2.12. Тўпни бир-бирига узатиш техникасини такомиллаштириш.(2 соат)**

Тўпни оёқнинг ички ва ташқи томони билан бир-бирига узатиш техникасини такомиллаштириш. Тўпни бош билан бир-бирига узатиш техникасини такомиллаштириш. Элементларни жойда ва ҳаракатда бажариш. [A4.81-96, A4. 155-166].

## **2.2.13. Футбол ўйини ва футболда ҳакамлик қилиш. (2 соат)**

Майдонда ҳакамлик қилиш. Ён ҳакам вазифасини бажариш. Ўйин қайдномасини тўлдириш. [A4.364-383, A4. 197-217].

## **2.2.14. Орқага ўмбалоқ ошиш ва куракларда тик туриш техникасига ўргатиш. (2соат)**

Қўлларга таяниб, елка билан тушиб орқага ўмбалоқ ошиш. Бирдан икки ёки уч марта айланиб, оёқларни ушлаган холда туриб қолишга ўргатиш. Ўргатилган элементларни такомиллаштириш.[A4.38-40, 128-141;].

## **2.2.15. Турнирда машқ бажариш. (2 соат)**

Куч билан тирмашиб чиқиш. Куч билан айланиб чиқиш. Олдинга ва орқага айланишлар. Турнирда айланиб сакраб тушиб туриб қолиш.[A14.38-40, 128-141;].

## **2.2.16. Брусьяда машқ бажариш. (2 соат)**

Брусьяга чиқишига ўргатиш. Брусьяда силтанишларни бажариш. Силтаниб 180 градус айланиб тушиш ва туриб қолишга ўргатиш.[A4.38-40, 128-141;].

## **3.Мустақил таълимни ташкил этишнинг шакли ва мазмуни**

Талабаларнинг маъруза, амалий ва семинар машғулотларига тайёрланиб келиши ва ўтилган материалларни мустақил ўзлаштиришлари учун кафедра ўқитувчилари томонидан маъруза матнлари, амалий машғулотларни ташкил этишига оид кўрсатмалар ишлаб чиқилган, ҳар бир талабага ушбу материаллардан фойдаланиш тавсия эталади.

Талабанинг фанни мустақил тарзда қандай ўзлаштирганлиги жорий, оралиқ ва якуний назоратда ўз аксини топади. Шу сабабли рейтинг тизимида мустақил ишларга алоҳида балл ажратилмайди, улар ЖН ва ЯН лар таркибига киритилган.

Мустақил ишлар учун фан бўйича жами 48 соат ажратилган.

Ушбу соатлар тахминан қуидаги тартибда тақсимланади:

- маъруза конспектини ўқиб тайёрланиш –10 соат.
- амалий машғулотларда ҳаракат малакаларини эгаллаш – 36 соат.

Амалий машғулотларда назарий билимлар ўрганилган турга хос ҳаракат малакаларини эгаллаш орқали мустаҳкамланади. Жисмоний маданият ва спорт фанини чуқур ўзлаштириш учун талаба фаннинг ҳар бир бўлимни мустақил ўрганиши ва ҳаракатларни амалда бажара олиши орқали мустаҳкамлаши зарур.

Семинар машғулотлари назария ва амалиётни боғловчи асосий бўғин бўлиб ҳисобланади. Бунда талабаларнинг билимларини мустаҳкамлашда ўргатилган турлардан ҳаракат малакаларини эгаллаб, назарий билимларини чуқур ўрганиши муҳим роль ўйнайди.

Қолдирилган дарсларни топшириш учун талаба дарс материалини тайёрлаб келиши ва ўқитувчининг оғзаки сухбатидан ўтиши зарур.

Қолдирилган ОН ва ЯН лар белгиланган тартиб бўйича топширилади.

### **Талабалар мустақил таълим мининг мазмуни ва ҳажми (Маъруза, амалий ва семинар машғулотлари ) (2-семестр)**

<b>Ишчи ўқув дастурининг мустақил таълимга оид бўлим ва мавзулари</b>	<b>Мустақил таълимга оид топшириқ ва тавсиялар</b>	<b>Бажарил иш муддатл ари</b>	<b>Ҳажм и (соат да)</b>
Граната улоқтириш ва эстафетали югуриш техникаларига ўргатиши	Улоқтириш машқлари ҳақида талабаларда тушунча ҳосил қилиш. Граната улоқтириш сектори. Улоқтирувчиларнинг маҳсус машқлари. Эстафетали югуриш турлари. Мусобақа ўtkазиш жойлари.	1-3 ҳафта	4
Баскетбол ўйини ва унда ҳакамлик қилиш	Баскетбол ўйинида ҳакамлар ҳайъати ва уларнинг вазифаларини тушунтириш. Ўйин қоидалари билан таништириш. Баскетболда очколарнинг ҳисобини олиб бориш.	4-6 ҳафта	3
Волейбол ўйини ва унда ҳакамлик қоидалари	Волейбол ўйинида ҳакамлар ҳайъати ва уларнинг вазифаларини тушунтириш. Ўйин қоидалари билан таништириш. Волейболда очколарнинг ҳисобини олиб бориш.	7-8 ҳафта	3
Футбол ўйини ва унда ҳакамлик қилиш қоидалари.	Майдонда ҳакамлик қилиш. Ён ҳакам вазифасини бажариш. Ўйин қайдномасини тўлдириш.	9-10 ҳафта	2
1. Ҳаёт ва саломатлик ритми.	Дорисиз сағломлаштириш. Оилада психофизиологик муҳитни шакллантириш.	11-ҳафта	2

Жисмоний фаоллик ва саломатлик. Чиниқиши.	Соғлом турмуш тарзи ва унинг компонентлари ҳақида тушунча.	12 ҳафта	2
Жинсий тарбия.	Ирсият ва ирсий касалликлар.	13- ҳафта	2
Саломатликни яхшилаш ва машғулотларни ташкил этишининг илмий асосланган воситалари	Талабаларга инсоннинг идеал қомати ҳақида аниқ маълумотлар бериш. Жисмоний машқларнинг инсон саломатлигини яхшилашдаги аҳамиятини тушунтириш.	14 ҳафта	2
Юрак-қон тизими кўрсаткичларини баҳолаш методикаси	Физиометрик усул ёрдамида аниқлаш. Таандаги пулс ўлчаш нуқталари ва санаш сонини ўргатиш методикаси. Ривожланганлик даражаларини ажратиш.	15-ҳафта	2
ОИТС билан заарланиш йўллари	ОИТС касаллиги ҳақида. Касалликнинг организмга салбий таъсири. Вируснинг юқиши йўллари. Касалликдан сақланиш йўллари.	16 ҳафта	2
ЖАМИ			24

### Баҳолаш тизими

#### БАҲОРГИ СЕМЕСТР

№			Феврал		Март		Апрел		Май		Июн		Июль																								
			23	05-10	24	12-17	25	19-24	26	26-03	27	05-10	31	02-07	32	09-14	33	16-21	34	23-28	35	30-05	36	07-12	37	14-19	38	21-26	39	28-02	40	04-09	41	11-16	42	18-23	43
1	ЖН 40 %	Амалий			10	10		10																													50
		Муста- кил Таълим			2	2		2																												20	
3	ЯН – 30%																																			30	
	Жами																																			100	

### БАҲОРГИ СЕМЕСТР

Баҳо	5	4	3	2
Рейтинг	86-100	71-85	55-70	< 55
Фанни ўзлаштириш кўрсатгичлари	51-59	42-50	33-41	33

**Эсламма:** Барча бакалавр таълим йўналишлари талабалари учун 1,2 семестрларида ўқитиладиган “Жисмоний маданият ва спорт” фанининг ўқув ҳажми 118 соатни ташкил этиб, 1 ва 2 семестрга бўлиб ўтилиши сабабли кузги кузги ва семестрнинг ўзида 59 соатни ташкил этади фан коэффиценти эса 5,9 бўлади. Фан бўйича ўзлаштиришни аниқлашда талаба тўплаган бали 5,9 га кўпайтирилади ва бутунгача яхлитлаб олинади.

### ЖННИ баҳолаш мезонлари

Жисмоний маданият ва спорт фани бўйича жорий баҳолаш талабанинг амалий ва семинар машғулотларидағи ўзлаштиришини аниқлаш учун қўлланилади. ЖН ҳар бир амалий машғулотларида ўргатилган ҳаракат малакалари бажариб кўрсатилиди, назорат талаблари амалий шаклларда амалга оширилади. Талабага ЖН да бутун баллар қўйилади.

### Талабанинг амалий машғулотларни ўзлаштириш даражаси қўйидаги мезон асосида аниқланади 1-курс 2-семестр

Назорат шак	Назорат турлари	Сони	Максимал балл
ЖН	Меъёрий талабларни топшириш	5	X10=50
ТМИ	Берилган мавзулар буйича мустақил иш топширикларини бажариш	10	x2= 20
ЯН	Меъёрий талабларни топшириш	3	X10=30
		ЖАМИ	100 балл

#### 1 – БОСКИЧ ( 24 балл)

№	Назорат талаблари	Бал	10	9	8	7	6	5	4	3	2	1
1	Граната (тенинс тўпчаси) улоқтириш	ўғил	42	39	36	33	30	27	24	21	18	15
		қиз	42	39	36	33	30	27	24	21	18	15
2	Югурби келиб узунликка сакраш	ўғил	465	460	455	450	445	440	435	430	420	400
		қиз	365	360	355	350	345	340	335	330	320	300
3	Талаба мустақил иши(2 та)	Бал	4	3	2	1	-	-	-	-	-	-

#### 2 – БОСКИЧ ( 28 балл)

№	Назорат талаблари	Бал	10	9	8	7	6	5	4	3	2	1
1	Арғамчида сакраш(1 дақика)	ўғил	150	145	140	135	130	125	120	115	110	100
		қиз	150	145	140	135	130	125	120	115	110	100
2	Валейбол тўпини 1 м квадрат ичидаги баландликда ўйнатиш	ўғил	20	19	18	17	16	15	14	13	12	11
		қиз	15	14	13	12	11	10	9	8	7	6
3	Талаба мустақил иши(4 та)	Бал	8	7	6	5	4	3	2	1	-	-

#### 3 – БОСКИЧ ( 18 балл)

№	Назорат талаблари	Бал	10	9	8	7	6	5	4	3	2	1
1	Турникда осилиб оёқларни қўлгача кўтариб – тушириш. Гимнастик деворча осилиб оёқларни кўтариб – тушириш(90градус)	ўғил	14	13	12	11	10	9	8	7	6	5
		қиз	12	11	10	9	8	7	6	5	4	3
2	Талаба мустақил иши(4 та)	Бал	8	7	6	5	4	3	2	1	-	-

**ЯКУНИЙ НАЗОРАТ- 30 балл**

№	Назорат талаблари	Бал	10	9	8	7	6	5	4	3	2	1
1	Граната (теннис түпчаси) улоқтириш	ўғил	42	39	36	33	30	27	24	21	18	15
		қиз	42	39	36	33	30	27	24	21	18	15
2	Турникда куч билан айланиб тушиш (марта). Гимнастик скамейкага таянган холда қўлларни букиб-ёзиш (марта)	ўғил	10	9	8	7	6	5	4	3	2	1
		қиз	15	14	13	12	11	10	9	8	7	6
3	100 м.га югуриш	ўғил	13,2	13,5	13,8	14,1	14,4	14,7	15,0	15,3	15, 6	15,9
		қиз	15,8	16,1	16,4	16,7	17,0	17,3	17,6	18,0	18, 3	18,6

**4.3. ЯННИ баҳолаш**

Якуний назорат “Жисмоний маданият ва спорт” фанининг барча мавзуларини қамраб олган бўлиб, назарий ва амалий машғулотлар ўтиб бўлингандан сўнг амалий назорат талаблари асосида амалга оширилади. Бундан мақсад талабаларнинг “Алпомиш” ва “Барчиной” маҳсус тест синовларидан ўрин олган назорат талабалари бўйича жисмоний сифатларининг ривожланганлик даражаларини аниқлашдир.

**Фойдаланилган адабиётлар**


№	Муаллиф, адабиёт номи, тури, нашриёт, йили, хажми	Кутубхона нада мавжуд нусхаси
1.	Акрамов Ж. .Гандбол.Дарслик.Ўз.ДЖТИ нашриёт матбаа бўлими, 2008 йил	1
2.	Айрапетъянц Л.Р.Волейбол. дарслик, ЎзДЖТИ нашриёт-матбаа бўлими, 2005 йил.	24
3.	Бальсевич Б.К.Физическая культура для всех и каждого.М. ФиС.1988 год	10
4.	Масляков В.А.Массовая физическая культура в Вузе.М.Вўсшая школа.1991год.	10
5	Нуриев Р .Футбол. Дарслик.Тошкент-2005	16
6	Нормуродов А.Н.Жисмоний тарбия. Укув кулланма.Тошкент- 2011	10
7	Нормуродов А.Н.Енгил атлетика. Ўқув услубий қўлланма Т.2002 йил	1
8	Нормуродов А.Н., Моргунова И.И Жисмоний тарбия фанидан намунавий дастур(бакалавр йуналиши учун)Т. 2004 йил	1
9.	Кошибаев И.А Керимов Ф.А .Ахматов М.С. Валеология асослари. Дарслик. Тошкент.2005.йил.	10
10	Кудратов Р. “Енгил атлетика”, дарслик, Тошкент “Ношир”, 2012 йил	5
11	Шокиржонова К.Т. “Енгил атлетика (мусобақа қоидалари)” ўқув қўлланма, Тошкент, 2007 й.	10
12	Ниёзов И. “Енгил атлетика” ўқув қўлланма, Фарғона, 2000 йил	12
13	Павлов Ш, Абдурахмонов Ф., Акрамов Ж.Гандбол, дарслик Тошкент ЎзДЖТИ 2005 й	20

## 2.Амлий машғулотлар учун услугий күрсатмалар

### **1. Енгил атлетика .«Граната улоқтириш техникасига ўргатиши» мавзусидаги амалий машғулотнинг технологик харитаси**


т/р, босқич	Бажариладиган иш мазмуні	Амалга оширувчи маъсул
1-босқич	<p>Дарс мақсади: Талабаларда граната улоқтириш техникасини такомиллаштириши.</p> <p>Идентив мақсадлар:</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>• Гранатани тұғри ушлаб, улоқтира олади.</li> <li>• Граната улоқтириш техникасини билади.</li> <li>• Югурышдан улоқтиришга ўтиш техникасини билади.</li> </ul>	Үқитувчи
2-босқич	<p>Асосий тушунчалар: Сектор, фаза, чалкаштирма қадам, снарядни қувиб ўтиш.</p> <p>Дарс шакли: гурухларга бўлиб ишлаш.</p> <p>Воситалар: Секундомер, хуштак, байроқчалар, метр.</p> <p>Метод ва усуллар: Тушунтириш, бажариб күрсатиш, амалий машқ.</p>	Үқитувчи
3-босқич	<p>Гурухда ишлаш.</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>- 4 минут давомида енгил югурши.</li> <li>- 5-10 м. УРМ машқлари.</li> <li>- Тайёрловчи маҳсус машқларни ўргатиши.</li> <li>- Ёндоштирувчи машқларга ўргатиши.</li> <li>- Яқинлаштирувчи маҳсус машқларга ўргатиши.</li> <li>- Организмни дастлабки ҳолатга қайтарувчи машқлар.</li> </ul>	Талаба
4-босқич	<p>Мустаҳкамлаш ва баҳолаш учун саволлар:</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>- Гранатани тұғри ушлаб, улоқтириңг.</li> <li>- Граната улоқтириш техникасини айтиб беринг.</li> <li>- Югурышдан улоқтиришга ўтиш техникасини амалда күрсатиб беринг.</li> </ul>	Талаба
5-босқич	<p>Умумий якуний холосалар чиқариш.</p> <p>Дарс мақсад ва вазифалари бажарғанлиги таҳлил қилинади, ҳаракат малакалари текширилади. Қўл ва оёқ ҳаракатларини мустаҳкамлашга ёрдам берувчи маҳсус машқларни ўрганиб келиш вазифаси берилади</p>	Үқитувчи

## Граната улоқтириш техникаси



**Граната улашаш усули**  
Бармоқлар билан мушт ҳолда ушлагандагига қараганда билакка нисбатан кичикрок бурчак ҳосил қилиб туради. Гранатани түрт бармоқ билан улашаш тавсия қилинади, чунки бунда қўлга унчалик зўр келмайди ва охирги ҳаракат пайтида граната яхши бошқарилади. Гранатани югуриб келиб улоқтиришганда энг кўп узокликка эришиш мумкин. Югуриб келганда граната букилган қўлда бўлиб, кўкрак олдида ёки кифт устида тутилади. Граната улоқтиришнинг асосий фарқи бу асбобнинг хусусиятига ва уни улашаш усулига боғлиқ бўлиб, улоқтириш ҳаракатлари анча эркин ва енгилроқ бошқарилади. Гранатанинг учиш вақтидаги пастлаш пайти шунчалик озки, ҳатто унга эътибор берилмаса ҳам бўлади. Шунинг учун граната найзага нисбатан каттароқ бурчак остида улоқтирилади ва у вертикал юзада айланиб учади. Югуриб келиш узунлиги 22-30 м шундан 14-20 м гранатани орқага олиб бормасдан, югуришга ажратилади. Югуришнинг қолган қисми (8-10 м) улоқтиришга тайёрланиш ва уни бажаришга мўлжалланади. Югуриб келиш

Гранатани ушлаш. Спорт гранатасини улоқтиришда куч ричагини узайтириш учун дастасини учидан ушлаган маъкул. Гранатани олдинги тўрт бармоқ билан сикиб ушланади, жимжилок эса дастанинг асосига тирааб букилади. Бу усулда ушлаганда гранатанинг бўйланма ўки бошқа хил усулда, яъни барча бармоқлар билан мушт ҳолда ушлагандагига қараганда билакка нисбатан кичикрок бурчак ҳосил қилиб туради. Гранатани түрт бармоқ билан улашаш тавсия қилинади, чунки бунда қўлга унчалик зўр келмайди ва охирги ҳаракат пайтида граната яхши бошқарилади. Гранатани югуриб келиб улоқтиришганда энг кўп узокликка эришиш мумкин. Югуриб келганда граната букилган қўлда бўлиб, кўкрак олдида ёки кифт устида тутилади. Граната улоқтиришнинг асосий фарқи бу асбобнинг хусусиятига ва уни улашаш усулига боғлиқ бўлиб, улоқтириш ҳаракатлари анча эркин ва енгилроқ бошқарилади. Гранатанинг учиш вақтидаги пастлаш пайти шунчалик озки, ҳатто унга эътибор берилмаса ҳам бўлади. Шунинг учун граната найзага нисбатан каттароқ бурчак остида улоқтирилади ва у вертикал юзада айланиб учади. Югуриб келиш узунлиги 22-30 м шундан 14-20 м гранатани орқага олиб бормасдан, югуришга ажратилади. Югуришнинг қолган қисми (8-10 м) улоқтиришга тайёрланиш ва уни бажаришга мўлжалланади. Югуриб келиш



Гранатани улоқтириш техникаси

вактида граната түпнан құлни тарандылатмаслик керак. Төзланиш өйлан бажарыладыган югуриб келиш тезлиги улоқтирувчининг тайёр гарлигига бөлік. Бу тезлик улоқтиришга тайёрланишини ва улоқтиришнинг ўзини бажарышига қийинчилик туғдирмайдыган бүлиши керак. Гранатани орқага олиб бориши ва улоқтириш түрт қадамда бажарылади. Югуриб келаётгандан граната одатда олдинда тутилади, гранатали құлни орқага олиб бориши ўнг оёқ билан уни пастта туширишдан бошланади ва граната улоқтириш оддий тош улоқтириш усулида бажарылади. Гранатани орқага олиб боришини ўнг оёқ билан қадам күйишдан бошлаб, юкоридан орқага пастта бажариш мүмкін.

Улоқтирувчи гранатани орқага олиб бориша улоқтириш йўналишига қара-ма-қарши томонга бироз энгашиши ва ўнг елкани пастта тушира туриб, елка камарини буриши керак.

Гранатани орқага олиб бориши чалиштирма қадамнинг бошланиши билан тугайди.

Назорат саволлари

1. Гранатани ушлаш усули хақида сўзлаб беринг?
2. Гранатани улоқтириш техникаси хақида сўзлаб беринг?
3. эркак ва аёллар учун гранаталарнинг оғирлиги хақида маълумот беринг.
4. Гранатани улоқтиришдаги харакатлар кетма-кетлиги хақида сўзлаб беринг?
5. Граната улоқтириш сектори хақида маълумот беринг?

#### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Н. Г. Озолин И. В. Воронкин «Легкая атлетика» М «ФиС» 1989г.
2. А. Н. Макаров «Легкая атлетика» М 1987г.
3. Д. П. Марков Н. Г. Озолиннинг умумий таҳрири остида «Енгил атлетика» «Ўқитувчи» Тошкент 1971й.

## **2. » Енгил атлетика. «Эстафетали югуриш техникасига ўргатиши мавзусидаги амалий машғулотнинг технологик харитаси**

т/р, босқич	Бажарыладыган иш мазмуни	Амалга оширувчи маъсул
1-босқич	<p>Дарс мақсади: Талабаларда кросс тайёр гарлиги хақида тушунча ҳосил қилиш.</p> <p>Идентив мақсадлар:</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>• Эстафетали югуриш хақида тушунчага эга бўлади.</li> <li>• Ҳар хил югуришларни фарқлай олади.</li> <li>• “Марш” командаларига тавсиф бера олади.</li> </ul>	Ўқитувчи
2-босқич	<p>Асосий тушунчалар: Стайр, шоссе, табиий шароит.</p> <p>Дарс шакли: гурухларга бўлиб ишлаш.</p> <p>Воситалар: Секундомер, ҳуштак.</p> <p>Метод ва усуллар: Тушунтириш, бажариб кўрсатиши, амалий машқ.</p>	Ўқитувчи
3-босқич	<p>Гурухда ишлаш.</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>- 4 минут давомида енгил югуриш.</li> <li>- 5-10 м. УРМ машқлари.</li> </ul>	Талаба

	<ul style="list-style-type: none"> <li>- Тайёрловчи маҳсус машқларни ўргатиш.</li> <li>- Ёндоштирувчи машқларга ўргатиш</li> <li>- Яқинлаштирувчи маҳсус машқларга ўргатиш.</li> <li>- Ўқув ўйини.</li> <li>- Организмни дастлабки ҳолатга қайтарувчи машқлар.</li> </ul>	
4-босқич	<p>Мустаҳкамлаш ва баҳолаш учун саволлар:</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>• Эстафетали югуриш ҳақида маълумот беринг.</li> <li>• Ҳар хил югуришларни амалда кўрсатинг.</li> <li>• Табиий шароитда югуришни амалда кўрсатинг.</li> </ul>	Талаба
5-босқич	<p>Умумий якуний хуносалар чиқариш.</p> <p>Дарс мақсад ва вазифалари бажарганилиги таҳлил қилинади, ҳаракат малакалари текширилади. Кўл ва оёқ ҳаракатларини мустаҳкамлашга ёрдам берувчи маҳсус машқларни ўрганиб келиш вазифаси берилади</p>	Ўқитувчи

### Эстафетали югуриш техникаси

Естафетали югуриш томошибинлар орасида катта қизиқиш уйғотади. Енгил атлетикада естафетали югуришнинг қуйидаги турлари фарқланади:

- стадионда ўтказиладиган естафетали югуриш. Бунга  $4 \times 100\text{ м}$ ,  $4 \times 400\text{ м}$  мусобақалар киради, улар классик турлар ҳисобланади;
- ҳар қандай масофаларга ва ҳар қандай миқдордаги бос- қичлар билан естафеталар, шунингдек, “швед” естафеталари, ма- салан,  $800\text{м}+400\text{м}+200\text{м}+100$  (ёки тескари тартибда);
- стадиондан ташқарида, масалан, шаҳар кўчаларида ўтказиладиган естафеталар. Улар узунлиги ва босқичлар миқдори, қатнашчилари ҳар хил тоифадаги инсонлар бўлиши билан ажралиб туради (фақат еркаклар ёки аралаш, яъни еркаклар ҳам, аёллар ҳам югуришлари мумкин).

Оқилона техника, маҳсус машғулот методикаси, спортчиларни саралаш тизими ва психологик тайёргарлик — бунинг ҳаммаси яхши естафета жамоасини яратиш учун асосий мезон ҳисобланади. Естафеталарда масофа бўйлаб югуриш техникаси тегишли турларнинг югуриш техникасидан фарқ қилмайди. Естафетали югуриш техникасининг ўзига хос хусусияти — естафета турига мос ҳолда естафета таёқчасини юқори тезлиқда узатиш техникасидир.

Естафета жамоасининг яхши натижа кўрсатишида қуйидаги омиллар муҳим саналади:

- спортчиларнинг тегишли масофалардаги индивидуал кўрсат- қичлари;
- естафета таёқчасини ишончли узатиш;
- жамоадаги шерикларнинг мувофиқ ҳаракатлари;
- ягона жамоанинг жипслиги.
- Естафетали югуриш мусобақа қоидаларига мувофиқ таёқчани  $20\text{ м}$  узунликдаги йўлкада узатиш керак

4x400 м га естафетали югуришда ва бошқа ҳамма естафеталарда қўшимча югуриш берилмайди ва иштирокчилар 20 метрли йўлақда турган ҳолатларида старт оладилар. Бу естафеталарда югуриш тезлиги пастроқ ва шу сабабли қўшимча югуриш берилмайди.

Естафетали югуриш қўйидагича амалга оширилиши мумкин: 1) естафета таёқчасини бироржойга солиб қўймасдан; 2) естафета таёқ八大在的复数形式]ини бирор жойга солиб қўйиб югуриш. Одатда биринчи усул қисқа масофага естафеталарда содир бўлади, иккинчи усул қолган барча естафеталарда фойдаланилади.

Таёқчанинг самарали узатилишини таъминлаш мақсадида югурувчилар естафета таёқ八大在的复数形式]ини қабул қилиб олишда старт югуришини аниқ ва ўз вақтида бошлашлари учун маконни ҳис қилишлари, шунингдек, естафетани узатишда таёқчани бериш зонасида мумкин бўлган максимал тезликни сақлаб қолиш, қабулқилиб олишда еса узатиш зонасининг 15-метрида югуриш тезлигини максимал тез ва барқарор тарзда ошириш учун тезликни ҳис қилиш сезгиларига ега бўлишлари жуда муҳим.

Естафета таёқ八大在的复数形式]ининг йўлкада бўлган вақти уни узатиш техникаси самарадорлиги мезони бўлиб ҳисобланади. Юқори малакали спортчилар учун бу кўрсаткичлар еркакларда ўртacha 1,80–1,90 .с ни ва аёлларда 2,05–2,15 с ни ташкил етади. Спортчилар узатиш зонасининг 15–16-чи метрларида енг юқори тезликка еришадилар. Естафета таёқ八大在的复数形式]ини узатиш техникаси нооқилона бажарилган босқичда вакт йўқотиш ўртacha 0,1–0,3 с ни ташкил қиласди.

4x100 м га естафетали югуриш техникасини кўриб чиқамиз. И босқичда югурувчи паст стартдан туриб 200 м га югуришдаги сингари айлана йўлга старт олади. Естафета таёқчаси ўнг қўлнинг учта бармоғида ушланади, кўрсаткич ва бош бармоқлар текисланган ва старт чизиги ёнида ёМкага таяниб туради. И босқичда югурувчи йўлка четидан югуриш учун у таёқчани ҳар доим ўнг қўлида тутиб туриши, ўз шеригининг еса чап қўлига узатиши керак. Масофа бўйлаб югуриш максимал тезлик билан амалга оширилади. Қийинлиги шундаки, естафета таёқ八大在的复数形式]ини юқори тезликда чегараланган зонада узатиш лозим.

Естафета таёқ八大在的复数形式]ини узатишнинг икки хил усули мавжуд: пастдан–юқорига ва юқоридан–пастга. Биринчи усулда естафета таёқ八大在的复数形式]ини қабул қилиб олаётган югурувчи қў– лини (таёқчани узатаёт– ган югурувчининг қўлига қарама–қарши бўлган қў– лини) орқага бир оз ён то– монга узатади, бош бар– моқ кафт юзаси томонига узатилади, тўртта бармоқ қи– силган, кафт тўғри орқага қаратилади. Таёқчани уза– таётган югурувчи естафета таёқ八大在的复数形式]ини пастдан–юқорига ҳаракатлантириб бармоқ ва кафт орасига

кўяди. Естафета таёқчасини қабул қилиб олаётган югурувчи таёқчанинг тегишини хис қилган заҳоти уни ушлаб, панжасига қисиб олади .

Иккинчи усулда ҳам қўл орқага бир оз ён томонга узатилади, лекин кафт юзаси юқорига қараб туради. Таёқчани узатаётган югурувчи естафета таёқчасини юқоридан-пастга харакат қилиш билан уни кафтга кўяди. Таёқчани қабуи қилиб олаётган югурувчи у қўлига тегиши билан таёқчани ушлаб, панжасини қисиб олади.

Естафета топшираётган югурувчи назорат чизифига етиб келган пайтда қабул қилиб олаётган югурувчи старт тезланишини бошлайди. Естафета узатиш зонасига югуриб кирган ҳолда иккала югурувчи яқинлашади, биринчиси иккинчисига етиб олади, таёқчани узатаётган югурувчи 2 та югуриш қадамида қабул қилиб олаётган югурувчига естафетани узатиш мақсадида қўлини текислаб, орқага узатиш учун овоз чиқариб қисқа буйруқ бериши керак. Узатиш бажарилгандан сўнг естафетани қабул қилиб олган югурувчи ўз босқичида тез югуришни бажаради, естафетани узатган югурувчи еса астасекин югуришни секинлатиб, тўхтайди, бироқ ўз йўлкасининг ён чегарасидан чиқиб кетмайди. Бошқа

жамоалар ҳам узатиш зонасидан югуриб ўтганларидан кейингина у йўлкани тарқ етади.


ИИ босқичда югурувчи естафета таёқчасини чап қўлида ушлаб боради ва ИИИ босқичдаги югурувчининг ўнг қўлига узатишни амалга оширади. Илл босқичда югуаивчи айлана бўйлаб мумкин қадар унинг четига яқин югуради ва ИВ босқичда естафета таёқчасини ўнг қўлдан чап қолга узатади. Естафета таёқчасини узатиш юқорида айтиб ўтилган усулларда амалга оширилади.

Узатиш зонасида югурувчилар бир-бирларига ҳалал бермасдан, яъни узатишни бажараётган қомга қараб, югуриш ёмкасининг чети бўйлаб югуришлари керак .

Естафета таёқчасини оқилона узатиш техникасига ега бўлган югурувчи, таёқчани қабул қилаётиб, орқага қарамасдан юқори тезликни сақлаб қолган ҳолда югуришни ҳамда естафетани қабул қилиб олишни бошлиши керак. Одатда, естафетани қабул қилиб олаётган югурувчи бир қўлига таянган ҳолда

ёки юқори стартдан, ёки паст стартдан старт олади. Юқори стартда югурувчи назорат белгисини ва унга югуриб келаётган югурувчини қўриш учун бошини бир оз орқага буради. Бир қоига таяниб старт олишда югурувчи таяниб турмаган қўл йелкаси устидан орқага қарайди ёки бошини туширган ҳолда таяниб турмаган қўли тагидан орқага қарайди (40-расм).

Таёқчани узатиш пайтида енг муҳим елемент — бир маромда югуриш, яъни оёққа мос ҳолда югуриш зарур. Шунингдек,



**Эстафета таёқчасини қабул қилаётган югурувчининг ҳолати.**

югуришни бошлаш учун оптималь “фора”ни топиш зарур, яъни югуришни “фора”нинг шундай узунлигида бошлаш керакки, таёқчани узатаётган ва қабул қилаётган югурувчиларнинг тезликлари узатиш зонаси ўртасига лўғри келиши зарур.

Бошқа естафета турларида, лекин естафета таёқчасини мак- сималга нисбатан кичикроқ тезлик билан узатиладиган естафеталарда худди шундай усулда узатиш усули қўлланилади, бироқ естафета таёқчасини қабул қилиб олган югурувчи масофада югуриш пайтида уни ўзи учун қулай бўлган қўлига оғказиб олиши мумкин. амалга ошириладиган узатиш тезлиги қанча кам бўлса, спортчи тайёргарлиги шунча ёмон ҳисобланади. Естафета таёқчасини узатишда асосий вазифа — таёқчани узатишнинг ўзига вақт йўқотмасдан ирнкон қадар уни тезроқ беришдан иборат.

Узатиш пайтида югурувчилар орасидаги масофа естафетани қабул қилиб олаётган югурувчининг орқага узатилган қўли узунлигига ва естафетани узатаётган югурувчининг олдинга чўзилган қўли узунлигига тенг бўлади. Бу масофа естафета таёқчасини узатаётган югурувчининг узатиш пайтида

олдинга егилиши ҳисобига бир оз ошиши мумкин

## Естафетали югуриш техникасини ўргатиш услубияти



Естафета таёқчасини турган  
жойида узатиш.

Кисқа масофага югуриш техникаси ўрганилгандан сўнг естафетали югуриш техникасини ўрганишга ўтиш мақсадга мувофиқдир. Оъргатиш услубиятининг асосий вазифаси юқори тезликда югуриб келаётганда естафета таёқчасини аниқ узатиш ва қабул қилишни ўргатишдан иборат. Қуйида естафетали югуриш техникасини ўргатиш услубияти, тартиби, вазифалари, уларни ҳал этиш учун воситалар ва услубий кўрсатмалар берилган.

**1- вазифа.** Естафетали югуриш техникаси тўғрисида тушунча ҳосил қилиш.

### Воситалари:

1. Естафетали югуриш турлари тўғрисида тушунча бериш.
2. Максимал тезликда, **20 м** зонада естафета таёқчасини узатиш техникаси билан таништириш ва кўрсатиш.
3. Естафета таёқчасини узатишда ҳаракат аниқлигини ва уни аниқ ҳисобга олишни тушунтириш.
4. Естафета таёқчининг узатилишини кинохалқаларда ва киноGRAMMALARDА намойиш қилиш.

**Услубий кўрсатмалар.** Естафетали югуриш тўғрисида тўлиқ маълумот бериш, жамоаларни тузиш ва югурувчилар тезлигини ҳисобга олган ҳолда зоналарга қўйиш билан таништириш. **вазифа.** Естафета таёқчасини узатиш техникасини ўргатиш. **Воситалари:**

1. Естафета таёқчини пастдан узатиш усулини тушунтириш ва намойиш қилиш билан ўргатиш.
2. Жойида турган ҳолда ҳеч нарсага тақлид қиласдан бир-бирига ўнг ва чап қўл билан узатиш, олдиндан келишилган белги бўйича югуришдаги ҳар хил ҳаракатлар.
3. Қадам қўйишда сигнал бў- йича таёқчани узатиш.

4. Сигнал бўйича естафета таёқчасини уни олувчига секин, кейин еса тез югуришда узатиш.

5. Тез югуришда айрим йўлкалардан естафета таёқчасини узатиш. Шунинг ўзи, 20 метрлик ёикада вақтни белгилаш билан узатиш.

### **Назорат саволлари**

**1. Эстафетали югуриш масофалари хакида маълумот**

**2. Эстафета таёқчасини узатиш усуллари хакида тушунча**

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Н. Г. Озолин И. В. Воронкин «Легкая атлетика» М «ФиС» 1989г.
- 2 .А. Н. Макаров «Легкая атлетика» М 1987г.
- 3 .Р.Кудратов. Енгил атлетика. дарслик. Т.УзДЖТИ.2005й
4. К.Ташкенбаева. Енгил атлетика мусобака коидалари. Т.УзДЖТИ.2005й

### **3. Енгил атлетика. «Узунликка сакраш техникасига ўргатиш мавзусидаги амалий машғулотнинг технологик харитаси**

т/р, босқич	Бажариладиган иш мазмуни	Амалга оширувчи маъсул
1-босқич	<p>Дарс мақсади: Талабаларда жойдан туриб узунликка сакраш техникасини такомиллаштириш.</p> <p>Идентив мақсадлар:</p> <ul style="list-style-type: none"><li>• Сакрашга тайёргарлик фазасини амалда қўрсатиб бера олади.</li><li>• Депсиниш техникасини амалда бажара олади.</li><li>• Фазода учиш ва ерга тушиш техникасини фарқлай олади.</li></ul>	Ўқитувчи
2-босқич	Асосий тушунчалар: Сакрашга тайёргарлик фазаси, депсиниш техникаси, фазода учиш, ерга тушиш техникаси.	Ўқитувчи

	Дарс шакли: Навбатма-навбат. Воситалар: Секундомер, ҳуштак, байроқчалар. Метод ва усуллар: Тушунтириш, бажариб күрсатиш, амалий машқ.	
3-босқич	Гурухда ишлаш. <ul style="list-style-type: none"> <li>- 4 минут давомида енгил югуриш.</li> <li>- 5-10 м. УРМ машқлари.</li> <li>- Тайёрловчи маҳсус машқларни ўргатиши.</li> <li>- Ёndoштирувчи машқларга ўргатиши.</li> <li>- Яқинлаштирувчи маҳсус машқларга ўргатиши.</li> <li>- Организмни дастлабки ҳолатга қайтарувчи машқлар.</li> </ul>	Талаба
4-босқич	Мустаҳкамлаш ва баҳолаш учун саволлар: <ul style="list-style-type: none"> <li>- Сакрашга тайёргарлик фазасини айтиб беринг.</li> <li>- Депсиниш техникаси айтиб беринг.</li> <li>- Фазода учиш ва ерга тушиш техникасини күрсатиб беринг.</li> </ul>	Талаба
5-босқич	Умумий якуний хулосалар чиқариш. Дарс мақсад ва вазифалари бажарғанлиги таҳлил қилинади, ҳаракат малакалари текширилади. Қўл ва оёқ ҳаракатларини мустаҳкамлашга ёрдам берувчи маҳсус машқларни ўрганиб келиш вазифаси берилади	Ўқитувчи

### 6.1. Югуриб келиб узунликка сакраш техникаси

Югуриб келиб узунликка сакраш техникасини, умуман тўрт қисмга бўлиш мумкин: югуриб келиш, депсиниш, учиш ва йерга туш иш.

**Югуриб келиш.** Узунликка сакрашда югуриб келиш сакров- чининг оптимал тезлигини ҳосил қилиш учун хизмат қиласди. Бу турда югуриб келиш тезлиги кўпроқ максимал тезликка яқинлашади, уни бошқа сакраш турларидан фарқли равишда спортчи ривожлантиришга қодирбоғлади. Югуриб келиш узунлиги ва югуриш қадам- лари сони спортчининг индивидуал хусусиятларига ва унинг жисмоний тайёргарлигига боғлиқ. Йетакчи спортчилар югуриш узунлиги **50 м** бўлганда 24 тагача югуриш қадамларини қўллайдилар. Аёлларда бу қийматлар бир оз камроқ - югуриш узунлиги **40 м** гача болганда 22 тагача югуриш қадамларидан фойдаланадилар. **Югуриб келишнинг** ўзини шартли равишда уч қисмга ажратиши мумкин: югуришнинг бошланиши, югуриш тезлигини олиш, депсинишга тайёрланиш.

**Югуриб келишнинг бошланиши** ҳар хил бўлиши мумкин. Асосан, спортчилар қуидаги вариантлардан фойдаланадилар: турган жойидан ва етиб келган (ёки югуриб келган) жойидан, шунингдек, тезликни аста-секин олиш ва кескин (спринтерча) бошлаш билан. Югуриб келишнинг бошланиши катта аҳамиятга ега, чунки бу югуриш суръати ва маромини белгилаб беради. Спортчини югуриб келишни стандарт тарзда бошлашга ва олдиндан

тайёргарлик күрмасдан туриб уни ўзгартирмасликка ўргатиш зарур.


**Турган жойидан** югуриб келишни бошлашда спортчи ҳаракатни назорат чизигидан бошлайди, бунда у бир оёғини олдинга, иккинчисини орқага оёқ учига қўяди. Баъзи югурувчилар бундай ҳолатда тана оғирлигини gox олдинда турган оёққа, gox орқада турган оёққа ўтказиб, бир оз олдинга-орқага тебранишларни бажарадилар.

Спортчи югуриб келишни ҳаракатдан (йетиб келиш ёки югуриб келишдан) бошлаётган пайтда шу нарса муҳимки, у олдиндан белгилаб олган оёғида назорат чизифига аниқ тушиши керак. Шуни ёдда тутиш лозимки, югуриб келишда югуриш қадамлари сони жуфт бомганда назорат чизифига депсинадиган оёқ қўйилади ва ҳаракат силтанувчи оёқдан бошланади ва, аксинча.


Спортчи югуриб келишни бошлагандан сўнг **югуриш тезлигини олишга** ўтилади. Бу йерда югурувчи тўғри ёика бўйлаб қисқа масофага югуриш техникасига ўхшаш югуриш қадамларини бажаради. Коилар ва оёқлар ҳаракатлари амплитудаси бирмунча кенгроқ, гавданинг егилиши  $80^{\circ}$  га етади, югуриш охирига келиб вертикал ҳолатни қабул қиласди. Бу пайтда ҳар бир қадамда юмшоқ депсинишга еътибор қаратиш лозим, ўз ҳаракатларини назорат қилиб бориш ва ҳар томонга тебранмасдан бир чизик бўйлаб югуришни бажариш керак.

**Депсинишга тайёрланишда** охирги 3-4 югуриш қадамларида спортчи ўзи учун оптималь тезликни ривожлантириши керак. Югуришнинг бу қисми ҳаракат суръатининг ошиши, югуриш қадам узунлигининг бир оз камайиши билан ифодаланади, оёқ сони олдинга- орқага ҳаракат қилганида унинг бирмунча юқорига кўтарилиши ортади. Тизза бўғимидан текисланган депсинувчи оёқ охирги қадамда орқага “тиralувчи” ҳаракат орқали бутун оёқ таги билан депсиниш жойига қўйилади.


Депсиниш олдидан йелкани орқага оғдириш охирги, awalgilariiga нисбатан анча қисқароқ қадамда силтанувчи оёқнинг тосни олдинга фаол узатиши ҳисобига еришилади. Депсинувчи оёқни йерга қўйишда уни тизза бўғимидан атайлаб букиш (чўккалашни бажариш) тавсия қилинмайди. Югуриб келиш тезлиги ва сакровчининг оғирлик кучи таъсирида оёқнинг ўзи тизза бўғимидан букилади ва зўриқтирилган мушаклар чўзилтирилганда депсиниш самаралироқ бажарилади



**Югуреб келиб “оёқларни букиб сакраш” усулида узунликка сакраш.**



**Югуреб келиб “кўкрак кериб сакраш” усулида узунликка сакраш.**



**Югуреб келиб “қайчи” усулида узунликка сакраш**

## **Назорат саволлари**

- 1.Узунликка сакраш усулларини санаб беринг?**
- 2.узунликкас сакраш усулларининг бир-биридан фарки нимада?**
- 3.Узунликкасакраш қандай фазаларга ажратилади?**

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Н. Г. Озолин И. В. Воронкин «Легкая атлетика» М «ФиС» 1989г.
- 2 .А. Н. Макаров «Легкая атлетика» М 1987г.
- 3 .Р.Курдатов. Енгил атлетика.дарслик.Т.УзДЖТИ.2005й
- 4.К.Ташкенбаева.Енгил атлетика мусобака коидалари. Т.УзДЖТИ.2005й

### **4. Баскетбол. «Жарима майдончасида тўпни саватга ташлаш техникасини ўргатиш» мавзусидаги амалий машғулотнинг технологик харитаси**

т/р, босқич	Бажариладиган иш мазмуни	Амалга оширувчи маъсул
- 1.Акрамов Р.А. «Ёш футболчиларни танлаб олиш ва тайёрлаш». Тошкент 1998 йил.
- 2.Норбоев К.Ж., Гуломов А.Х. «Спорт, харакатли Ўйинлар ва уни укитиш методикаси» Самарканд- 2003 йил.

3.«Футбол». Учебник для студента И. Ф. К. Под общей редакцией П. И. Казанова м. Фис 1976 г.

4.«Футбол».Учебное пособие для институтов физической культуры. Под общей редакцией Р. А Акрамов Тошкент 1981 г.

5.Нуриев Р. футбол.Дарслик. тошкент-2005

6.Курбонов О. Футбол мусобавқа қоидалари. Тошкент-2001

#### **14. Гимнастика. «Орқага ўмбалоқ ошиш ва куракларда тик туриш техникаси» мавзусидаги амалий машғулотнинг технологик харитаси**

т/р, босқич	Бажариладиган иш мазмуни	Амалга оширувчи маъсул
1-босқич	<p>Дарс мақсади: Талабаларда орқага ўмбалоқ ошиш ва куракларда тик туриш техникасини такомиллаштириш.</p> <p>Идентив ўқув мақсадлари:</p> <ul style="list-style-type: none"><li>- Орқага ўмбалоқ ошишда “группировка” қилишни билади.</li><li>- Ўмбалоқ ошгандан сўнг қўллар ёрдамида куракларда тик турға олиш техникасини бажара олади.</li></ul>	Ўқитувчи
2-босқич	<p>Асосий тушунчалар: орқага умбалоқ ошиш ва “группировка”.</p> <p>Дарс шакли: Навбатма-навбат.</p> <p>Воситалар: Матлар.</p> <p>Метод ва усуллар: Тушунтириш, бажариб кўрсатиш, амалий машқ.</p>	Ўқитувчи
3-босқич	<p>Гуруҳда ишлаш.</p> <ul style="list-style-type: none"><li>- 4 минут давомида енгил югуриш.</li><li>- 5-10 м. УРМ машқлари.</li><li>- Тайёрловчи маҳсус машқларни ўргатиш.</li><li>- Ёндоштирувчи машқларга ўргатиш</li><li>- Яқинлаштирувчи маҳсус машқларга ўргатиш.</li><li>- Ўқув ўйини.</li><li>- Организмни дастлабки ҳолатга қайтарувчи машқлар.</li></ul>	Талаба
4-босқич	<p>Мустаҳкамлаш ва баҳолаш учун саволлар:</p> <ul style="list-style-type: none"><li>- олдинга ўмбалоқ ошишда “группировка” қилишнинг аҳамиятини айтинг.</li><li>- Ўмбалоқ ошгандан сўнг қўллар ёрдамида куракларда тик турға олиш техникасини кўрсатинг.</li></ul>	Талаба
5-босқич	<p>Умумий якуний хулосалар чиқариш.</p> <p>Дарс мақсад ва вазифалари бажарганлиги таҳлил қилинади, харакат малакалари текширилади. Қўл ва оёқ харакатларини мустаҳкамлашга ёрдам берувчи</p>	Ўқитувчи

	махсус машқларни ўрганиб келиш вазифаси берилади	
--	---	--

«Гимнастика» юонча «гимнос» сузидан келиб чиккан бўлиб «ялангоч» деган маънони англатади. Шунингдек Юонча «Гимнастика» - машқ килдираман сузини англаб киши саломатлигини мустахкамлаш, уни хар томонлама жисмонан тарбиялаш ва харакат малака ва куникмапаринн, куч, чақонлик тезкорлик чидамлилик эгилувчанлик ва координацион қобилиятларини такомиллаштириш учун махсус танланган жисмоний машқлар ва усулларнинг тизимиdir. Гимнастиканинг максади организмни соғломлаштириш, жисмоний фазилатларни ривожлантириш, хаётий зарур харакат малака ва куникмаларини шакллантириш. Гимнастиканинг вазифаси гимнастик машқларга - саф хамда умумривожлантирувчи машқлар, тирмасиб чиқиш, таяниб ва осилиб, таяниб сакраш, мувозанат сақлаш, акробатика, бадиий ва ритмик гимнастика машқларига ўргатиш.

Спорт гимнастикасининг 3 тури бор: спорт гимнастикаси, акробатика ва бадиий гимнастика

**Акробатика** -акробатик сакрашлар ва статик холатларни уз ичига олган мувозанат сақлаш машқлари. Улардан турли ёш контингентлари билан утказиладиган машғулотларда куч, чақонлик эпчилликни, реакция тезлигини, фазода мулжал олишни ривожлантириш учун, шунингдек вестибуляр аппаратни машқ қилдириш учун кенг қўлланилади.



### **Назорат саволлари**

**Спорт гимнастикаси турлари хақида гапириб беринг.  
Орқага умбалоқ ошиш фазалар ни тушунтириб бериг.  
Гимнастиканинг мақсадинималардан иборат?**

#### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Барчина А. «Спортивная гимнастика». Москва 1980г
2. Меншикова А.К. «Гимнастика» Москва. 1979г.
3. Шлёмина А.М.Брикин А.Т «Гимнастика» М-1988г.
4. Коркин В.П. «Спорт гимнастикаси». Москва, «ФиС» 1971й.

#### **15.«Турнирда ва брусьяда машқ бажариш техникаси» (Гимнастика) мавзусидаги амалий машғулотнинг технологик харитаси**

т/р, боскич	Бажариладиган иш мазмуни	Амалга оширувчи маъсул
-------------	--------------------------	------------------------------

1-боскич	<p>Дарс мақсади: Талабаларда турникда ва брусьяда машқ бажариш техникасини такомиллаштириш.</p> <p>Идентив ўқув мақсадлари:</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>- Турникка осилиб силтаниш техникасини билади.</li> <li>- Оёқлар ёрдамида турникка чиқиш ва турникда айланишни амалда бажара олади.</li> <li>- Брусьяда машқлар бажара олади.</li> </ul>	Ўқитувчи
2-боскич	<p>Асосий тушунчалар: турникда айланиш, брусьяда элементлар бажариш.</p> <p>Дарс шакли: навбатма-навбат.</p> <p>Воситалар: Матлар, турник, брусья.</p> <p>Метод ва усуллар: Тушунтириш, бажарип кўрсатиш, амалий машқ.</p>	Ўқитувчи
3-боскич	<p>Гурухда ишлаш.</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>- 4 минут давомида енгил югуриш.</li> <li>- 5-10 м. УРМ машқлари.</li> <li>- Тайёрловчи маҳсус машқларни ўргатиш.</li> <li>- Ёндоштирувчи машқларга ўргатиш</li> <li>- Яқинлаштирувчи маҳсус машқларга ўргатиш.</li> <li>- Ўқув ўйини.</li> <li>- Организмни дастлабки ҳолатга қайтарувчи машқлар.</li> </ul>	Талаба
4-боскич	<p>Мустаҳкамлаш ва баҳолаш учун саволлар:</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>- Турникка осилиб силтаниш техникасини кўрсатиб беринг.</li> <li>- Оёқлар ёрдамида турникка чиқиш ва турникда айланишни амалда бажаринг.</li> <li>- Брусьяда машқлар бажарип кўрсатинг.</li> </ul>	Талаба
5-боскич	<p>Умумий якуний хулосалар чиқариш.</p> <p>Дарс мақсад ва вазифалари бажарганлиги таҳлил қилинади, ҳаракат малакалари текширилади. Кўл ва оёқ ҳаракатларини мустаҳкамлашга ёрдам берувчи маҳсус машқларни ўрганиб келиш вазифаси берилади.</p>	Ўқитувчи

- **Гимнастиканинг спорт турлари:** бу гурухга спорт гимнастикаси, бадиий гимнастика ва акробатика киради. Бу турлар спорт йуналишига эга бўлиб, спорт турлари сифатида тарғиб этилади. Булардан максад машқларни ижро этиш техникасида юксак камолотга эришиш, юксак спорт маҳорати курсатиш хамда хар томонлама юксак жисмоний


тайёргарлик асосида мураккаб машқларни бажара билишга эришишдан иборатдир.

- **Жихозларда бажариладиган машқлар** -(гимнастика «оти», «тусини», «девори», ҳалка, құш чўп, якка чўп) спорт гимнастикасининг энг характерли воситалари. Уларнинг асосий максади - гавда ва тана харакатларни бошқариш малакасини такомиллаштиришdir. Бу машқлардан шугулланувчиларни жисмоний тайёrlаш учун ҳам кўлланилади.



**Акробатика** -акробатик сакрашлар ва статик холатларни уз ичига олган мувозанат сақлаш машқлари. Улардан турли ёш контингентлари билан утказиладиган машғулотларда куч, чаққонлик эпчилликни,

реакция тезлигини, фазода мулжал олишни ривожлантириш учун, шунингдек вестибуляр аппаратни машқ қилдириш учун кенг қўлланилади.



**Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Барчина А. «Спортивная гимнастика». Москва 1980г
2. Меншикова А.К. «Гимнастика» Москва. 1979г.
3. Шлёмина А.М.Брикин А.Т «Гимнастика» М-1988г.
4. Коркин В.П. «Спорт гимнастикаси». Москва, «ФиС» 1971й.

**3. МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ БҮЙИЧА МАТЕРИАЛЛАР  
( МУСТАҚИЛ ИШ ТОПШИРИҚЛАРИ)**

**3.1. Спорт уйинларини ухашаш ва фаркли томонларни курсатинг**

Спорт турлари	Ухашаш	фарклари
---------------	--------	----------

	<b>тарафлари</b>	
Футбол		
Волейбол		
Баскетбол		
Гандбол		

### **Тавсия қилинган адабиётлар:**

Акрамов Ж.А .Гандбол.Дарслик.Ўз.ДЖТИ нашриёт матбаа бўлими, 2008 йил
Айрапетъянц Л.Р.Волейбол. дарслик, ЎзДЖТИ нашриёт-матбаа бўлими, 2005 йил.
Нуримов Р .Футбол. Дарслик.Тошкент-2005
Нормуродов А.Н.Жисмоний тарбия. Укув кулланма.Тошкент-2011
Нормуродов А.Н.Енгил атлетика. Ўкув услубий қўлланма Т.2002 йил

**3.2. Қўйидаги жадвалга жисмоний машқларнинг пайдо бўлишига сабаб бўлган объектив ва субъектив сабабларинин киритинг , жадвални тўлдиринг:**

<b>№</b>		<b>Объектив сабаблар</b>	<b>Субъектив сабаблар</b>
1			
2	Жисмоний машқлар		
3			

### **Тавсия қилинган адабиётлар:**

- Нормуродов А.Н. «Жисмоний тарбия» олий ўқув юртлари учун дарслик. «Ўзбекистон». Тошкент ш. 1999 йил.  
 Нормуродов А.Н., Усмонхужаев Т.С. «210 та ҳаракатли ўйинлар». Тошкент, 2001 йил. ТошДПИ.  
 Усмонхўжаев Т.С. «1001 ҳаракатли ўйинлар». Ибн Сино 1999 йил.  
 Нормуродов А.Н. «Енгил атлетика». ТошДШИ. 2002 йил.  
 Кошбахтиев И.А.,Керимов Ф.А.,Ахматов М.С. «Валеология асослари”Тошкент.2005.

**3.3. Ҳозирги техника тараққиёти даврида камҳаракатлик (гиподинамия) ва унинг оқибатларини қўйидаги жадвалда келтиринг:**

№		Сабаблари	Оқибатлари
1	гиподинамия		
2			
3			
4			
5			

#### **Тавсия қилинган адабиётлар:**

Нормуродов А.Н. «Жисмоний тарбия» олий ўқув юртлари учун дарслик. «Ўзбекистон». Тошкент ш. 1999 йил.

Нормуродов А.Н., Усмонхужаев Т.С. «210 та ҳаракатли ўйинлар». Тошкент, 2001 йил. ТошДПИ.

Усмонхўжаев Т.С. «1001 ҳаракатли ўйинлар». Ибн Сино 1999 йил.

Нормуродов А.Н. «Енгил атлетика». ТошДШИ. 2002 йил.

Кошибахтиев И.А., Керимов Ф.А., Ахматов М.С. «Валеология асослари» Тошкент. 2005.

#### **3.4. Енгил атлетиканинг 5 бўлими мавжуд. Ушбу бўлимларга кирувчи енгил атлетика турларини топинг ва жадвални тўлдиринг.**

№	Юриш	Югуриш	Сакраш	Улоқтириш	Кўпкураш
1	10 км спортча юриш	Қисқа масофаларга югуриш	Баландликка сакраш	Найза улоқтириш	Ўн кураш

#### **Тавсия қилинган адабиётлар:**

Нормуродов А.Н. «Жисмоний тарбия» олий ўқув юртлари учун дарслик. «Ўзбекистон». Тошкент ш. 1999 йил.

Нормуродов А.Н., Усмонхужаев Т.С. «210 та ҳаракатли ўйинлар». Тошкент, 2001 йил. ТошДПИ.

Усмонхўжаев Т.С. «1001 ҳаракатли ўйинлар». Ибн Сино 1999 йил.

Нормуродов А.Н. «Енгил атлетика». ТошДШИ. 2002 йил.

Кошибахтиев И.А., Керимов Ф.А., Ахматов М.С. «Валеология асослари» Тошкент. 2005.

#### **3.5. Соғлом турмуш тарзи деганда нимани тушунасиз ва фикрингизни тахлил қилинг:**

№	

	Соғлом турмуш тарзи	

### **Тавсия қилингандай адабиётлар:**

Нормуродов А.Н. «Жисмоний тарбия» олий ўқув юртлари учун дарслик.  
«Ўзбекистон». Тошкент ш. 1999 йил.

Нормуродов А.Н., Усмонхужаев Т.С. «210 та ҳаракатли ўйинлар». Тошкент,  
2001 йил. ТошДПИ.

Усмонхўжаев Т.С. «1001 ҳаракатли ўйинлар». Ибн Сино 1999 йил.

Нормуродов А.Н. «Енгил атлетика». ТошДШИ. 2002 йил.

Кошибахтиев И.А., Керимов Ф.А., Ахматов М.С. «Валеология  
асослари» Тошкент. 2005.

**3.6. Жисмоний ҳаракатларга ўргатиш босқичлари қўйидаги жадвалда келтирилган. Ушбу босқичларда қандай вазифалар хал этилади ва уларни таҳлил қилинг:**

№	1. Дастраси ўргатиш босқичи	2. Чуқурлаштириш босқичи	3. Такомиллаштириш босқичи
1			
1			
3			

### **Тавсия қилингандай адабиётлар:**

Нормуродов А.Н. «Жисмоний тарбия» олий ўқув юртлари учун дарслик.  
«Ўзбекистон». Тошкент ш. 1999 йил.

Нормуродов А.Н., Усмонхужаев Т.С. «210 та ҳаракатли ўйинлар». Тошкент,  
2001 йил. ТошДПИ.

Усмонхўжаев Т.С. «1001 ҳаракатли ўйинлар». Ибн Сино 1999 йил.

Нормуродов А.Н. «Енгил атлетика». ТошДШИ. 2002 йил.

Кошибахтиев И.А., Керимов Ф.А., Ахматов М.С. «Валеология  
асослари» Тошкент. 2005.

**3.7. ОИТС ни юқиши йўллари бўйича тарқалиш йўлларини таҳлил қилинг ва жадвални тўлдиринг.**

юқиши йўллари	Турлари
---------------	---------

Гетеросексуал (гомосексуал)	
Парентериал	
Ноаник	

### Тавсия қилинган адабиётлар:

1. Дембо А.Г – «Спортивная медицина». 1990, 1995 г
2. Шафрановский А.Е – Врачебно – педагогический контрол за физическим воспитанием 1992
3. Давид Вернер “Хаммабоп тиббиёт қўлланмаси” Тошкент -2006.
4. Исмаилов М.Н - «Болалар ва ўсмирлар гигиенаси» Тошкент,Ибн Сино, 1994 й

### 3.8. Жисмоний сифатларни тарбиялашни таҳлил қилинг ва жадвални тўлдиринг.

Жисмоний сифатлар	таъри фи	Тарбиялаш усуллари	Тарбиялаш воситалари
Тезкорлик			
Куч			
Чидамлилик			
Чакконлик			
Эгилувчанлик			

### Тавсия қилинган адабиётлар:

Акрамов Ж.А .Гандбол.Дарслик.Ўз.ДЖТИ нашриёт матбаа бўлими, 2008 йил
Айрапетьянц Л.Р.Волейбол. дарслик, ЎзДЖТИ нашриёт-матбаа бўлими, 2005 йил.
Бальсевич Б.К.Физическая культура для всех и каждого.М. ФиС.1988 год
Масляков В.А.Массовая физическая культура в Вузе.М.Вўсшая школа.1991год.
Нуримов Р .Футбол. Дарслик.Тошкент-2005
Нормуродов А.Н.Жисмоний тарбия. Укув кулланма.Тошкент-2011
Нормуродов А.Н.Енгил атлетика. Ўкув услугбий қўлланма Т.2002 йил
Нормуродов А.Н., Моргунова И.И Жисмоний тарбия фанидан намунавий дастур(бакалавр йуналиши учун)Т. 2004 йил

**3.9. Ушбу жадвалга ўзини-ўзи назорат қилиш усуллари киритилган.**  
**Уларнинг тинч ҳолатда ва жисмоний фаолият ҳолатидаги меъёрий**  
**кўрсаткичларини, сабабларини киритинг ва жадвални тўлдиринг:**

№	Антропометрия турлари	Тинч ҳолатда	Жисмоний фаолият ҳолатида	Изоҳ
1	Нафас олишни санаш			
2	Пульс санаш			
3	Қон босимини ўлчаш			

**Тавсия қилинган адабиётлар:**

- Шафрановский А.Е – Врачебно – педагогический контрол за физическим воспитанием 1992
- Давид Вернер “Ҳаммабоп тиббиёт қўлланмаси” Тошкент -2006.

**4. “Жисмоний маданият ва спорт” фанидан глоссарий**

<b>№</b>	<b>Ўзбекча</b>	<b>Русча</b>	<b>Инглизча</b>	<b>Изоҳ</b>
1	Волейбол	Волейбол	volleyball	инглизча сўз бўлиб, учаётган тўп маъносини билдиради.
2	“Универсиада”	“Универсиада”	“universiada”	олий укув юртлари талабалари ўртасида ўтказиладиган мусобакалар намойиши
3	«Баркамол авлод»	«Баркамол авлод»	“Barkamol avlod”	академик лецей ва касб хунар коллежи ўкувчи ёшлари ўртасида ўтказиладиган мусобакалар
4	«Умид нихоллари »	«Умид нихоллари »	“Umid nixollari”	- умум таълим мактаб ўкувчилари ўртасидаги мусобакалар.
5	«Алпомиш ва Барчиной»	«Алпомиш и Барчиной»	“Alpomihs va Barchinoy”	ахоли турли ёш катламларининг жисмоний таёргарлигини аниклаш учун маҳсус тест синовлари.
6	ЎзДЖТИ	УзГосИФК	Uzbek state institute physical culture	Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институти
7	БўйСМ	ДЮСШ	Sporting school	болалар ва ўсмирлар спорт мактаби.
8	Вишка	Вишка	bloc	бош ҳакам ўтириб ҳакамлик қиласидиган жой.
9	Тўсиқ	Блок	bloc	Хужумчи зарбасига қарши қўйиладиган 1-3 кишилик ҳимоя
10	Техника	Техника	technical	юононча, сўз бўлиб, санъат, маҳорат маъноларини билдиради
11	Тактика	Тактика	tactic	рақибга қарши жанг олиб бориш усули
12	Страховка	Страховка	belay	жамоадоши ҳимояда блокка чиққан вақтда бўш жойини ёпиш
13	Антенна	Антенна	antenna	тўр устига ўрнатиладиган сим
14	Либеро	Либеро	libero	алоҳида спорт кийимида ҳимояда иштирок этувчи ўйинчи

15	Баскетбол	Баскетбол	bascetball	инглизча сўз бўлиб, тўп саватга маъносини билдиради
16	Футбол	Футбол	football	– инглизча сўз бўлиб, оёқ тўп маъносини билдиради
17	Аут	Аут	aut	инглизча сўз бўлиб, тўп майдон ташқарисида маъносини билдиради
18	Офсайд	Офсайд	ofside	инглизча сўз бўлиб, ўйиндан ташқари холат маъносини билдиради
19	Қисқа масофа	Короткие дистанции	sprint	60м,100м,200м,400метрга югуриш
20	Ўрта масофа	Средние дистанции	Middle distance race	800м,1000м, 1500м.га югуриш
21	Узок масофа.	Длиннёе дистанции	Long distance race	3000м,5000м,10000м га югуриш
22	Ўта узок масофа.	Сверх длиннёе дистанции	Long distance race	20000м,25000м,30000м.га югуриш.
23	Кросс-	кросс	crooss	Табий шароитда югуриш.
24	“Фосбери флоп”	“Фосбери флоп”	Fosberi flop	Югуриб келиб баландликка сакраш усулларидан энг афзали ҳисобланади.
25	Эстафетали югуриш	Эстафетанўй бег	relay rase	Жамоавий югуриш бўлиб махсус тайоқчани бир-бирига узатади
26	улоқтириш	метание	projektion	Граната, найза, боскон,диск
27	итқитиш	толкание	putting	ядро
28	Уч кураш	Троеборье	triathlon	100м га югуриш,ядро итқитиш, баландликка сакраш.
29	Беш кураш.	пятиборье	pentathlon	60 ёки 100 м га югуриш, узунликка сакраш, граната улоқтириш, баландликка сакраш, кросс югуриш.

30	Үн кураш	десятиборье	desanhlon	. 100м га югуриш, узунликка сакраш, диск улоқтириш, баландликка сакраш, 400м га, 110м га тўсиқлар оша югуриш, ядро итқитиш
31	Лангар чўп.	шест	Pole vault	Югуриб келиб баландликка сакраш учун маҳсус тайёқ.
32	Фальстарт.	Фальстарт.	False start	Стартдан нотўгри чиқиши
33	Тарбия	воспитание	education	инсонда жамиятнинг ахлоқий-маънавий, ижтимоий-сиёсий идеалларига мос қобилиятларини ривожлантириш мақсадида таъсир жараёни.
34	Жисмоний тарбия	Физическое воспитание	Physical education	инсонни жисмоний камолотга эриштиришга қаратилган педагогик жараён.
35	Жисмоний ривожланиш	Физическое развитие	sportsmanship	турмуш шароитининг, хусусан, тарбиянинг таъсирида киши организми биологик шакллари ва функцияларининг вужудга келиши, ўзгариши жараёнидир.
36	Жисмоний маданият	Физическая культура	Physical culture	жамият томонидан фуқароларнинг жисмоний баркамоллиги йўлида яратилган, қўлга киритилган ва фойдаланилаётган моддий ҳамда маънавий ютуқларнинг йиғиндисидир.
37	Спорт	Спорт	sport	жисмоний маданиятнинг

				органик бир қисми бўлиб, жамият томонидан яратиладиган ҳамда инсонларнинг жисмоний фаоллиги учун фойдаланиладиган, олдиндан аниқлаштирилган ҳаракатларда мусобақалашиш йўли билан намойиш қилинадиган қобилиятларни маҳсус тайёрлашга қаратилган жараёндир. Спорт – бу мусобақалашмоқдир.
38	фол	фол	fol	Мусобака коидасининг бузилиши
39	Аспирация	Аспирация	Aspiration, inhalation	нафас ўтиш йўлларининг сув билан тўлиб қолиши.
40	Анамнез	Анамнез	Anamnesis, history	сураш методи тиббиётда жумладан, спорт тиббиётида ҳам кенг қо`лланиладиган текшириш методларидан бири бо`либ, бу суб`ектив текшириш методига киради.
41	Гиперемия	Гиперемия	hyperemia	маҳаллий қон тўлиқлиги
42	Гиподинамия	Гиподинамия	hypodinamic	харакатнинг чекланиши
43	Гипердинамия	Гипердинамия	Giperdynamia	харакатнинг хаддан ташқари ошиши.
44	Гематома	Гематома	Hematoma	томирлар ёрилганда тери остида пайдо бўладиган қон ивиндилари.
45	Гемартроз	Гемартроз	Bleeders joint, hemarthron	бўғимлар бўшлиғига қон қуилиши
46	Гипокинез	Гипокинез	hypokinesis	организм мумкин қадар тез тикланиши учун қўлланиладиган усуллар ва воситалар: уқалаш, сауна, витаминлар, овқатланиш

				масалаларига риоя қилиш, турли сув муолажалари, актив ва пассив дам олиш.
47	Гравитацион шок	Гравитационнўй шок	Gravitational shock	шокнинг бир тури
48	Гипостаз	Гипостаз	Hipostasis	юрак фаолиятининг сусайишида қон ўз оғирлиги билан оқади ва гавданинг пастки қисмларида ва ички органларида йифилади
49	Гипогекитал ёғ босиш	Гипогекитальнўй ожирения		жинсий безлар функцияларининг бузилиши натижасида пайдо бўлган ёғ босиши
50	Гипертрофия	Гипертрофия	hypertrophy	жисмоний машқ билан мунтазам шуғулланиш натижасида мускулда кўндаланг кесимнинг ортиши ички гипертрофия деб юритилади

### АСОСИЙ АДАБИЁТЛАР

№	Муаллиф, адабиёт номи, тури, нашриёт, йили, хажми
1.	Акрамов Ж.А .Гандбол.Дарслик.Ўз.ДЖТИ нашриёт матбаа бўлими, 2008 йил
2.	Айрапетъянц Л.Р.Волейбол. дарслик, ЎзДЖТИ нашриёт-матбаа бўлими, 2005 йил.
3.	Бальсевич Б.К.Физическая культура для всех и каждого.М. ФиС.1988 год
4.	Масляков В.А.Массовая физическая культура в Вузе.М.Вўсшая школа.1991год.
5	Нуримов Р .Футбол. Дарслик.Тошкент-2005
6	Нормуродов А.Н.Жисмоний тарбия. Укув кулланма.Тошкент-2011
7	Нормуродов А.Н.Енгил атлетика. Ўқув услубий қўлланма Т.2002 йил
8	Нормуродов А.Н., Моргунова И.И Жисмоний тарбия фанидан намунавий дастур(бакалавр йуналиши учун)Т. 2004 йил

### ҚЎШИМЧА АДАБИЁТЛАР

№	Муаллиф, адабиёт номи, тури, нашриёт, йили, хажми
---	---

1.	Кошбахтиев И.А Керимов Ф.А .Ахматов М.С. Валеология асослари. Дарслик. Тошкент.2005.йил.
2.	Кудратов Р. “Енгил атлетика”, дарслиқ, Тошкент “Ношир”, 2012 йил
3.	Шокиржонова К.Т. “Енгил атлетика (мусобақа қоидалари)” ўқув қўлланма, Тошкент, 2007 й.
4.	Ниёзов И. “Енгил атлетика” ўқув қўлланма, Фаргона, 2000 йил
5.	Павлов Ш, Абдурахмонов Ф., Акрамов Ж.Гандбол, дарслик Тошкент -ЎзЖДЖТИ 2005 й

1. [www.tdpu.uz](http://www.tdpu.uz)
2. [www.pedagog.uz](http://www.pedagog.uz)
3. [www.Ziyonet.Uz](http://www.Ziyonet.Uz)
4. [www.edu.Uz](http://www.edu.Uz)
5. [www.neopod.ru/catalog/sport/sport games/](http://www.neopod.ru/catalog/sport/sport games/)
6. [www.gimnastik.ru/athletics](http://www.gimnastik.ru/athletics)
7. [www.sport-athlet.com](http://www.sport-athlet.com)
8. [www.eurosport.ru/athletics](http://www.eurosport.ru/athletics)
9. [def.kondopoga.ru](http://def.kondopoga.ru)

## 5. ИЛОВАЛАР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

Рўйхатга олинди:  
№ Б.Д-1.13  
2011 йил “8” 11

Ўзбекистон Республикаси Олий ва  
ўрта махсус таълим вазирлигининг  
2011 йил 17 сентябрдаги 392-сон  
буйруғи билан тасдиқланган.

**ТАЖРИБА-СИНОВ**

**ЖИСМОНИЙ МАДАНИЙАТ ВА СПОРТ**

**фанидан намунавий  
ДАСТУР**

(бакалавр йўналишлари учун)

ТОШКЕНТ – 2011

Мазкур намунавий дастур Олий ва ўрта маҳсус, касб-хунар таълими ўқув-методик бирлашмалари фаолиятини мувоғиқлаштирувчи кенгашнинг 2011- йил 9- сентябрдаги 3-сон мажлис баёни билан тажрибайи дастур сифатида маъқулланган. Ушбу дастур “Жисмоний маданият ва спорт” фанидан бакалаврнинг тайёргарлик даражаси ва зарурий билимлари мазмунига қўйиладиган талаблар асосида тайёрланган. Тажрибайи дастурни келгусида тўлдирилган ва бойитилган ҳолда чоп етиш заруратини хисобга олиб, фикр-мулоҳазаларингизни қўйидаги манзилга юборишингизни сўраймиз:  
**Тошкент шаҳар, 2-Чимбой қўчаси 96-уй, Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги “Маънавий-ахлоқий тарбия” бошқармаси, тел: 246-10-58, 246-10-54.**  
Фаннинг ўқув дастури Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетида ишлаб чиқилган.

Тузувчилар:

Х.Т.Рафиев -педагогика фанлари номзоди, профессор (СамДУ)  
Р.И.Латипов -доцент, спорт устаси (ТДПУ)  
Л.В.Смуригина -педагогика фанлари номзоди, доцент (ЎЗДЖТИ)  
Е.В.Козлова -катта ўқитувчи, спорт устаси (ТДПУ)

Тақризчилар:

Т.С.Усманхўжаев -педагогика фанлари доктори, профессор (РОЗК)  
А.А.Истомин -профессор, спорт устаси (ТДИУ)  
Ш.Х.Исаилов -педагогика фанлари номзоди, доцент (ЎЗДЖТИ)

Фаннинг ўқув дастури Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети Илмий кенгаши томонидан тавсия этилган (2011-йил 25-августдаги 1-сон баённома).

## КИРИШ

Ўзбекистон ўз мустақиллигини қўлга киритган дастлабки кунларданоқ жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш ишларига катта еътибор бериб келинмоқда. Баркамол ёш авлодни тарбиялаш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири сифатида белгиланди. Бу борада қатор фармон ва қарорлар қабул қилинди. Мамлакатимизда олиб борилаётган кенг қўламли ишлар олий таълим муассасаси жисмоний тарбия ва спорт кафедралари профессор-ўқитувчилари ҳамда мураббийлар зиммасига улкан масъулият юклайди. Жисмоний тарбия ва спорт ёшларни хаётга, ижтимоий фойдали меҳнатга тайёрлаш, жисмоний қобилиятларини мукаммаллаштириш, Ватан мудофаасига тайёрлаш, уларнинг бекаму к ўст камол топишларига хизмат қилади.

Ушбу ўқув дастури олий таълим муассасаларининг барча ўқув (асосий ўқув гурухи, маҳсус тибиёт (тайёрлов) гурухи ва вақтинчалик жисмоний юкламалардан озод қилинганлар гурухи) гуруҳлари талабалари учун тузилган.

Дастурни тузишда Ўзбекистон Республикасининг “Талим тўғрисида” Қонуни, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, “Жисмоний тарбия тўғрисида” қонуни, Вазирлар Маҳкамасининг 589 - “Ёш авлодни соғломлаштириш муаммоларини комплекс ҳал қилиш тўғрисида” қарори, Ўзбекистон Республикаси маданият ва спорт ишлари, Халқ таълими, Олий ва ўрта маҳсус талим, Соғлиқни сақлаш, Қишлоқ ва сув хўжалиги, Ички ишлар, Мудофаа вазирликлари, касаба уюшмалари Федерацияси кенгашининг 1999 йил 24 декабрдаги “Ўзбекистон аҳолисининг саломатлик даражасини аниқлайдиган “Алпомиш” ва “Барчиной” тестларини жорий етиш ҳакида” 4/14 қўшма қарори каби меъёрий хужжатларга асосланилди.

Дастурда олий таълим муассасаларининг И-ИИ босқич талабаларини “Жисмоний маданият ва спорт” ўқув фани бўйича назарий, амалий жисмоний тайёрлаш асослари акс еттирилган. Улар олий таълим муассасаси дарс жараёни ҳамда дарсдан ташқари тадбирларида спорт билан мустақил шуғулланиш, жисмоний тайёргарликни такомиллаштириш, саломатликни мустаҳкамлаш учун зарур бўлган билим, малака ва кўнимкаларнинг асоси саналади.

### Ўқув фанининг мақсади ва вазифалари

**Фанни ўқитишдан мақсад** талабаларни жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги асосий тушунчалар, (жисмоний маданият, Ўзбекистон жисмоний маданияти, жисмоний тарбия, Ўзбекистон спорти, бадан тарбия, болалар спорти, спорт, жисмоний маданият тизими, жисмоний ривожланиш, жисмоний тайёргарлик, спорт машқи, жисмоний сифатлар, жисмоний таълим, жисмоний маданият ҳаракати, Олимпия ўйинлари, Олимпия ҳаракати, талабалар спорти, уч босқичли спорт мусобақаси “Умид ниҳоллари”, “Баркамол авлод”, “Универсиада” ва х.к) маҳсус назарий билимлар, жисмоний ривожланиш, тайёргарликни ўстиришга оид замонавий назарий билим, амалий кўнимка ва малакаларни оширишга ёрдам берувчи восита ва методларни, ўз-ўзини жисмоний мукаммаллаштириш, оммавий соғломлаштириш тадбирларини ташкил қилиш ва улардан мустақил фойдаланишга ўргатиши.

**Фанинг вазифалари** талабалар саломатлигини мустаҳкамлаш ва уларнинг жисмоний камол топиши ва чиниқиб ўсишларига кўмаклашиш;

- талабаларда одамнинг жисмоний камолоти, бунга муайян иқлим ва бошқа шароитларда еришиш ҳақидаги маҳсус билимлар тизимини хосил қилиш, талабаларда гигиеник малакаларни шакллантириш, уларни гавдани тўғри тутишга, жисмоний тарбия ва спорт билан мунтазам шуғулланишга одатлантириш;

-жисмоний маданият соҳасидаги назарий билимларини, амалий кўнимка малакаларни шакллантириш;

-Ўзбекистондаги уч босқичли спорт мусобақалари; “Умид ниҳоллари”, “Баркамол авлод”, “Универсиада” лар ҳақида билимларини чуқурлаштириш;

-“Универсиада” спорт мусобақаларининг барча босқичларида иштироқ етиш орқали, ўзининг спорт маҳоратини юксалтириш;

-ҳаракатнинг асосий жисмоний сифатлари (тезкорлик, кучлилик, чидамлилик, чаққонлик, егилувчанлик)ни ҳар томонлама ривожлантириш;

-мақсадға интилиш, мустақиллік ва ижодий қобилият, мардлик, сабот ва интизом, масъулият, ватанпарварлық, жамоавийлик, дүстлик ҳамда ўртоқликни чуқур хис ета билиш; меңнатта ва жамият мулкига онгли муносабатда бўлиш, маданий хулқ-атвор малакаларини тарбиялаш;

-талабаларнинг “Алпомиш” ва “Барчиной” тест талабларини бажариш учун жисмоний тайёргарлигини ошириш;

-талабаларни келажак иш фаолияти, бўлажак мутахассислиги (касбини) инобатга олиб касбий, амалий, жисмоний тайёрлаш;

-талабаларни жисмоний тарбия ва спорт машғулотларида жамоатчилик жисмоний тарбия фаолиятига тайёрлаш мақсадида уларга мураббийлик ва ташкилотчилик кўникмаларини бериш;

-талаба-спортчиларнинг спорт маҳоратини такомиллаштириш;

-талабаларда жисмоний тарбия ва спорт машғулотлари билан мунтазам шуғулланиш еҳтиёжини шакллантириш.

-соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш;

-талабаларнинг ўз жисмоний ривожланиш масалаларига бўлган муносабатини ўзгартириш;

-миллий ўйинлар, спорт мусобақалари ва уларнинг турларини талабаларнинг жисмоний тарбия тизимига жорий етишда мувофиқлаштирилган жисмоний тарбияни ривожлантириш;

-ўқув-машғулот жараёнида замонавий педагогик технология ва методикаларни жорий етиш;

-спорт заҳираларини тайёрлаш шаҳобчаларини кенгайтириш;

-талабаларнинг Олимпия ҳаракати тўғрисидаги назарий билимларини такомиллаштириш, жисмоний мукаммалликка бўлган онгли еҳтиёжини шакллантириш;

-талаба-спортчиларни Универсиада, Олимпиада, Осиё ўйинлари, Бутун жаҳон талабалар Универсиадаси, Марказий Осиё ва Бутун жаҳон ўсмиirlар ўйинларига тайёрлаш ва уларнинг мазкур ўйинларда муваффақиятли қатнашишларини таъминлаш;

-жисмоний тарбия машғулотлари орқали касалликнинг олдини олиш, соғлиқни мустаҳкамлаш, машқлар бажарганда ўз- ўзини назоратга ўргатиш;

-талабаларни спорт турлари билан фаол шуғулланишга жалб қилиш, жисмоний тарбиянинг моҳиятини ва талабанинг ҳар томонлама баркамол шахс бўлиб етишига кўмаклашиш, кўлга киритилган ютуқларни тарғиб қилиш.

### **Фан бўйича талабаларнинг билимига, кўникма ва малакасига қўйиладиган талаблар**

Жисмоний маданият ва спорт фанини ўзлаштириш натижасида талаба:

-жисмоний маданият ва спорт фанининг асосий тушунчаларини, замонавий назарий билимлар, ҳамда жисмоний ривожланиш ва тайёргарликни ўстиришга қаратилган амалий ҳаракат, кўникма ва малакаларни оширишга қаратилган восита ва методларни билиши;

-оммавий спорт соғломлаштириш ишларини ва спорт мусобақаларини ташкил қилиш ва ўтказиш, гурухдан ташқари олиб бориладиган жисмоний тарбия ва спорт шаклларини режалаштириш кўникмаларига ега бўлиши;

-оммавий спорт соғломлаштириш байрамларини ташкил қилиш ва ўтказиш, гурухдан ташқари олиб бориладиган жисмоний тарбия шаклларини билиш ва уларни фарқлай олиш малакаларини егаллаши;

-“Алпомиш” ва “Барчиной” жисмоний тайёргарлик тест мезонлари талабларини бажариши керак.

### **Фаннинг ўқув режадаги фанлар билан ўзаро боғлиқлиги ва услубий жиҳатдан узвий кетма-кетлиги**

Жисмоний маданият фани ОТМ 1-2 босқичида ўқитилади. Фанни ўқитиша талабаларнинг умумтаълим мактаби, академик лицей ва касб-хунар таълим муассасасида

жисмоний маданият, табиий, тиббий-биология, ижтимоий фанлар, мактаб гигиенаси, педагогика, умумий психология, педагогик маҳорат, жисмоний тарбия назарияси ва методикаси, спорт тибиёти каби фанлардан олган билим, малака ва кўникмаларига асосланилади.

### **Фаннинг ишлаб чиқаришдаги ўрни**

Жисмоний маданият фани, аввало, талабаларни жисмоний ва маънавий соғломлаштириш орқали касбий зарур жисмоний тайёргарлигини таъминлашга оид назарий билимлар, амалий кўникма ва малакаларни мустақил шакллантиришга ўргатади, жисмоний сифатларини тарбиялаш, такомиллаштиришга кўмаклашади, шунингдек, уларнинг спорт маҳоратини оширишига оид билим, ҳаракат, кўникма ва малакаларини шакллантиради. Шу билан бирга жисмоний маданият ва спорт бўйича чиқарилган давлат директив ҳужжатлари ижросини таъминлашда муҳим ўрин тутади.

### **Фанни ўқитишида замонавий ахборот ва педагогик технологиялар**

Фан бўйича назарий материалларни ўрганишда “Кейс-стади”, “Инсерт”, “Вен Диаграмма”, “Т-схема”, “Хулосалаш”, “СWOT-тахлил” каби замонавий педагогик технологиялардан, аудио-видео ёзувлардан, ўқитишининг якка, гуруҳ ва жамоавий методларидан фойдаланилади.

### **Фаннинг ҳажми ва мазмуни**

#### **Фаннинг ҳажми**

Т/р	Машғулот тури	Ажратилган соат	1- семестр	2- семестр	3- семестр	4- семестр
1	Назарий	-	-	-	-	-
2	Амалий	106	38	38	10	38
3	Мустақил иш	102	20	22	20	22
4	Назоратлар	-	6	6	1	5
<b>ЖАМИ:</b>		<b>208</b>	<b>58</b>	<b>60</b>	<b>30</b>	<b>60</b>

### **НАЗАРИЙ МАСҲУЛОТЛАРИ МАЗМУНИ**

#### **1-Мавзуу: Жисмоний маданият олий таълим муассасаси фани сифатида. Жисмоний маданиятнинг дунёда, Ўзбекистонда, олий таълим муассасасида ривожланиш тарихи**

Олий таълим муассасасида “Жисмоний маданият ва спорт” ўқув фани дастурий материалининг асослари. Жисмоний маданият соҳасидаги асосий тушунчалар; жисмоний маданият, Ўзбекистон жисмоний маданияти, жисмоний тарбия, Ўзбекистон спорти, бадан тарбия, болалар спорти, спорт, жисмоний маданият тизими, жисмоний ривожланиш, жисмоний тайёргарлик, спорт машқи, жисмоний сифатлар, жисмоний таълим, жисмоний маданият ҳаракати, Олимпия ўйинлари, Олимпия ҳаракати, талабалар спорти, уч босқичли спорт мусобақаси “Умид ниҳоллари”, “Баркамол авлод”, “Универсиада” ва х.к Олий таълим муассасасида ўқув фанининг хусусиятлари, талабаларни ўқув гуруҳлари бўйича тақсимлаш, ҳар бир гурухда машғулотларнинг ўзига хослиги. Ўқув фанини ўқитиши тузилмаси. Жисмоний маданиятнинг Ўзбекистон тизими асосий тушунчалари: жисмоний маданият асослари, дастурий меъёрий асослари, жисмоний маданият тизимининг асосий тамоилилари ва х.к, “Алномиш ва Барчиной” тестлари.

Замонавий Олимпия ўйинларининг ривожланиш тарихи. Ўзбекистонда спорт ва жисмоний тарбиянинг ривожланиши. Ўзбекистон олимпиячилари, Жаҳон ҳамда Осиё чемпионати голиб ва совриндорлари. Спортда юксак натижаларга еришган олий таълим муассасаси талабалари. Ўзбекистонда уч босқичли спорт мусобақалари тизими; “Умид ниҳоллари”, “Баркамол авлод”, “Универсиада” Универсиада натижаларининг таҳлили.

Ўзбекистон Республикасида жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш тўғрисидаги фармон ва қарорлар.

Осиё ўйинлари. Ўзбекистон универсиадалари. Ўзбекистон Республикаси спортчиларининг эришган ютуқлари.

## **2-Мавзу: Жисмоний маданий-соғлом турмуш тарзи асоси**

Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг аҳолини соғломлаштириш тўғрисидаги фармон ва қарорлари.

Кун тартиби. Шарқ алломалари гигийена ва овқатланиш тўғрисида. Организмни чиниқтириш: заарли одатларни тугатиш, жисмоний маданият ва спорт шахс тикланиши ва баркамол ривожланишининг асосий воситаси сифатида, жисмоний тарбия ва спорт воситаларини, фаол дам олишни танлаш методикаси.

Одам организми яхлит биологик тизим сифатида. Таянч-ҳаракат аппарати ва унинг спорт турлари билан шуғулланиш таъсирида ўзгариши. Юрак, унинг асосий вазифалари, тузилиши, қоннинг морфологик таркиби, вазифаси; қон томирлари, қон айланиш системаси, жисмоний тарбия ва спорт таъсирида юрак-қон томир тизимининг ўзгариши. Нафас олиш тизими ва унинг жисмоний тарбия ҳамда спорт таъсирида ўзгариши. Овқат ҳазм қилиш ва чиқариш тизими, асад тизими, шартли ва шарқиз рефлекслар.

Шифокор назоратининг объектив ва субъектив маълумотлари. Ўз-ўзини назорат қилиш.

## **3-Мавзу: Жисмоний тарбия ва спорт тайёргарлиги асослари**

Ҳаракат фаоллиги ва ишчанлик қобилияти тартиби (режими). Спортда қўлланадиган тайёргарлик турлари, асосий жисмоний сифатлар тавсифи, уларни ривожлантириш учун воситаларни танлаш методикаси. Спорт машғулотларини режалаштириш. Дарс ўқув фанини ўқитишнинг асосий шакли сифатида, унинг таркибий қисмлари, вазифалари. Жисмоний тарбия ва спортнинг фалсафий қоидалари. Ёш гурухлари бўйича ҳаракат тартиби ва унинг кун, ҳафта, ой, йил давомидаги ишчанлик қобилияти билан алоқадорлиги. Ўз саломатлигини мустаҳкамлаш ҳақида. Касбий меҳнат фаолияти самарадорлигини оширишда жисмоний маданият воситалари ва методларидан фойдалана олиш бўйича назарий билим, амалий қўникма ва малакаларни шакллантириш. Иш кунидан кейин организмни тиклаш бўйича тавсиялар бериш. Амалий жисмоний тайёргарлик (АЖТ), унинг вазифалари ва мақсади.

### **Амалий машғулотларни ташкил этиш бўйича кўрсатма ва тавсиялар**

Ўқув жараёни асосан:

-аста-секинлик ва изчиллик билан талабаларнинг саломатлигини мустаҳкамлаш, организмни чиниқтириш, ишчанлик қобилиятини ошириш;

-жисмоний ривожланишида функционал нуқсонларни бартараф этиш, касалликлардан кейинги асоратларни тугатиш;

-янги амалий-касбий қўникмаларни егаллаш;

-жисмоний ва ақлий иш қобилиятини ривожлантириш;

-зарур гигийеник қўникмалар ва кундалик соғломлаштириш жисмоний машғулотларини бажариш еҳтиёжини шакллантиришга қаратилади.

Назарий бўлимга алоҳида еътибор қаратиш лозим. Ишчи дастур материали, шифокор назорати, ўз-ўзини назорат билан бир қаторда даволаш назорати ва жисмоний тарбиянинг организмга профилактик таъсири масалаларига алоҳида еътибор қаратиш, талабаларни жисмоний машқларнинг физиологик ва даволаш механизmlари билан таништириш, “гиподинамия”, “одам гавдасининг жисмоний ҳаракатларга бўлган биологик еҳтиёжи” тушунчаларини ва унинг асоратларини кенг ёритиб бериш зарур.

Умумий жисмоний ва амалий-касбий жисмоний тайёргарлик, талабанинг саломатлигидаги нуқсонларни, жисмоний тайёргарлигини ҳисобга олган ҳолда, доимий шифокор-педагогик назорат ва кузатув остида амалга оширилади.

Бу тайёргарликда асосийси амалий машқларни бажариш (сақраш, улоқтириш, югуриш) техникасини егаллаш, аъзолар ва тизимлардаги функционал йетишмовчиликни бартараф қилиш, организмнинг машқ қилганлик ва иш қобилиятини ошириш. Талабалар билан амалий машғулотларни олиб боришда изчиллик, тизимлилик, қулайлик, индивидуаллаштириш тамойилларига, айниқса юрак-қон томир патологияси ва организм

функционал имкониятлари паст даражасига ега бўлган талабалар билан ишлагандан, қатъий риоя қилиш лозим.

Гурух талабаларининг ташхиси, функционал тайёргарлиги, жинсини ҳисобга олиб, 8-10 кишидан иборат қилиб тузиш мақсадга мувофиқ.

Жисмоний юкламаларни аста-секин ошириб бориш, индивидуал дозалашда шифокор назорати, функционал кўрсаткичларни ҳисобга олиш лозим.

Дастлабки икки ой мобайнида машғулотлар зичлиги ва интенсивлиги нисбатан паст бўлиши керак, бу кириш ва тайёргарлик қисмларига вақтни нисбатан кўпайтириш, мушакларни бўшаштиришга доир машқлардан фойдаланиш, дам олиш танаффусларига вақтни кўпроқ ажратиш, машқларни бажариш дозаси ва суръатини пасайтириш йўли билан тартибга солинади.

Талабаларни ҳар томонлама ривожлантириш ва саломатлигини тиклаш учун турли жисмоний сифатларни (куч, чидамлилик, тезлик, чақонлик, егилувчанлик ва бошқа.) ривожлантирадиган машқ ва воситалардан, шунингдек ҳаёт учун муҳим кўнукмалар: юриш, югуриш, ўрмалаб чиқиш ва б. дан фойдаланиш лозим. У ёки бу касалликларда кенг кўлланадиган махсус гимнастик машқлардан фойдаланиш керак. Талабаларни ўз-ўзини массажнинг содда усулларига, турли динамик ва статик нафас олиш машқларига ўргатиш керак. Ўргатиши ётган ҳолда олдиндан ўзини йенгил қўйиш билан нафас олишини ўргатишдан бошланади. Шуғулланувчилар тўғри нафас олишини назорат қилиш учун ўнг қўлини кўкрак, чап қўлини қорнига қўйилади. Қоринга, кўкракка ва белга нафас олиш машқлари бажарилади. Машқ нафас олишдан бошланади, у шовқинсиз ва шошилмасдан бажарилади; нафас чиқаргандан кейин кичик танаффус қилинади, бу гипервентиляция ва бош айланиш еҳтимолининг олдини олади. Кейин динамик нафас олиш машқлари ва умумривожлантирувчи машқлар киритилади. Нафас олишда гавдани ростлаш, олдин букилган оёқларни тўғрилаш, қўлларни ён томонга ёзиш, уларни юқорига-боши орқасига кўтариш, оёқларни букиш, қўлларни тушириш, ўтириш ёрдам беришини унутмаслик лозим.

Спорт ўйинлари: баскетбол, волейбол, гандбол, бадминтон, стол тениси элементларидан кенг фойдаланилади. Бу организмнинг эмоционал тонусини ошириш, шунингдек ҳаракатлар координацияси ва тезлиги каби сифатларни ишлашга кўмаклашади. Юрак-қон томир ва нафас системаларини машқ қилдириш учун машғулотларда дозаланган юриш ва югуришдан фойдаланилади. Машғулотларни имкон доирасида тоза ҳавода ўтказиш керак. Тажрибалар кўрсатадики, аралаш типдаги машғулотлар енг яхши самара беради, зеро воситалар хилма-хиллиги (гимнастика, йенгил атлетика ва спорт ўйинлари машқлари) ва уларни ўз вақтида алмаштириш талабаларнинг қизиқишини орттиради, машғулотга эмоционаллик баҳш етади, толиқишининг олдини олади.

Машғулот вақтида талабаларнинг ноқулай аҳволга тушиб қолиши, оғрикли менталликнинг, сохта уялишнинг шаклланишига йўл қўймаслик учун уларнинг жисмоний камчиликларига, касалликларига еътиборни қаратадиган вазиятлардан чекланиш лозим.

Бутун таълим даври мобайнида талабаларни мустақил шуғулланиш-гигиеник гимнастика машқларини бажариш, кечирган касаллигини ҳисобга олган ҳолда соғломлаштирувчи югуриш, саломатлик гурухларида қўшимча шуғулланишга жалб қилиш керак.

Рейтинг назорат (назарий ва амалий) нормативларини факат ўқув машғулотларига мунтазам равишда қатнашган ва тегишли тайёргарлик кўрган талабалар бажариши мумкин. Рейтинг назорат талаблари кафедра томонидан белгиланади. Назоратларни қабул қилиш вақтида талабаларнинг нафақат жисмоний тайёргарлиги, балки давомати, машғулотларга муносабати, интизоми, фаоллиги, шунингдек организмнинг функционал имкониятлари ҳам ҳисобга олиниши керак. Жисмоний тарбия машғулотларига узрли сабаблар билан қатнашмаган ҳолларда талабаларга бошқа оптималь муддатлар белгиланади, тайёргарлик ва норматив ҳамда дастур талабаларини бажариш учун шароитлар яратилади.

## **Талабаларни ўқув гурухларига тақсимлаш тартиби**

Олий таълим муассасаси ректорати ҳамда “Жисмоний тарбия ва спорт” кафедраси талабаларнинг мажбурий тиббий кўригини ташкил қилади ва ўтказади.

Мажбурий тиббий кўрик ҳар бир талаба саломатлигининг аҳволи ва жисмоний тайёргарлик даражасини аниқлаш ҳамда уни тегишли ўқув бўлими (гуруҳи)га белгилашга кўмак мақсадида ўтказилади.

1 босқич талабалари тиббий кўрикдан сентябр ойида, 2 босқич талабалари эса октябр-ноябр ойларида дарсдан ташқари вақтда олий таълим муассасаси поликлиникасида ўтадилар. Тиббий кўрикдан ўтмаган 1 босқич талабалари машғулотларга ва меъёрий талабларни топшириш учун қўйилмайди.

Касаллиги туфайли узоқ муддат машғулотларни ўтказиб юборган талабалар тақорорий тиббий кўрикдан ўтиш учун поликлиникага йўлланади ва фақат шундан кейингина амалий машғулотларга киритилади.

Саломатлигига кўра маҳсус тиббий гуруҳга киритилган талабалар йилига икки марта, яъни ҳар семестрда тиббий кўрикдан ўтадилар.

Спорт бўлими талабалари (секция қатнашчилари) ҳам йилига икки марта тиббий кўрикдан ўтказилади ва натижалари спортчининг малака (квалификация) дафтарида қайд этилади.

Тиббий кўрик натижаларига кўра маълум муддатга амалий машғулотлардан озод қилинган талабалар шу муддат тугаганидан сўнг беш кун муддат ичида тақорорий тиббий кўрикдан ўтишлари шарт.

Тиббий кўрикдан кейин талабалар ўқув гурухлари бўйича тақсимланади:

**Асосий ўқув гурухига** шифокорлар кўриги (диспансеризация)дан ўтган, соғлигига нуқсон бўлмаган, жисмоний тайёргарлиги яхши бўлган талабалар киради.

**Маҳсус тиббиёт** (тайёрлов) гуруҳига шифокорлар кўригидан ва назоратидан ўтиш натижасида соғлигига, жисмоний тайёргарлигига айрим нуқсонлар аниқланган ва яқин орада касалликка чалинган талабалар тақсимланади. Бу ўқув гурухларида талабаларнинг функционал имкониятини ҳам еътиборга олиш мақсадга мувофиқ. Ўқув даврида ушбу гуруҳдаги талабалар билан машғулот ўтказишдан мақсад уларни соғломлаштириш, организмининг касалликка чидамлилигини ошириш ва жисмоний тайёргарлигини тақомиллаштиришдир.

Вақтинча жисмоний юкламалардан озод қилинганлар гуруҳи, ўз соғлиги ҳолатига кўра узоқ вақтга жисмоний юкламалардан озод қилинган талабалар. Бу талабалар ўқув дастурининг қурби йетадиган машқлари билан шуғулланадилар. Талабалар жисмоний машқлар таъсирида одам организмида содир бўладиган физиологик жараён, ўз касалликларини жисмоний машқлар ва воситалар билан даволаш услубияти ҳақидаги билимларга ега бўлишлари лозим.

**Спорт маҳоратини тақомиллаштириш ўқув гурухига** нуқсони бўлмаган, спортнинг қайсиdir бир турини мукаммал билган, спорт унвони бўлган талабалар киритилади. Ушбу талабаларнинг спортни бирон-бир тури билан мунтазам шуғулланишга хоҳиши бўлиши шарт. Ушбу ўқув гурухларининг сони ва ихтисослашиши жисмоний тарбия кафедрасининг мутахассислари ҳамда спорт иншоотлари мавжудлигига боғлиқдир.

Асосий ва спорт бўлимларидаги талабаларга спорт турини танлаш ҳуқуқи берилади.

Спорт бўлимининг талабалари учун ўзи танлаган спорт туридан шахсий жадвал тузиб, белгиланган вақтда синов талабларини бажариши учун шароит яратилади.

Талабаларни бир ўқув гурухидан иккинчи ўқув гурухига фақат ўқув йили охирида ёки семестр охирида ўтказиш мумкин. Шифокор холосасига кўра касалликка чалинган талабаларни бошқа гуруҳга ўқув йили давомида ўтказиш мумкин.

**Гурухлар таркиби.** Талабалар сони асосий ўқув гурухидаги 20-25 нафаргача, маҳсус (тиббиёт) ва вақтинча жисмоний юкламалардан озод қилинганлар гурухидаги 8-10 нафардан ошмаслиги керак. Асосий гурухни иккига бўлиб ўқитиш тавсия этилади.

## **Талабанинг мажбуриятлари**

### **Талаба:**

-дарс жадвалида белгиланган вақтда (кун ва соатда) жисмоний маданият машғулотларига мунтазам қатнашиши;

-ўзининг жисмоний тайёргарлигини ошира бориши, “Алпомиш” ва “Барчиной” тестларини топшириши, ўзининг спорт маҳоратини такомиллаштира бориши;

-ўчиш, иш ва дам олишда мақбул (рационал) тартиб (режим)га риоя етиши;

-зарур холларда ўқитувчидан маслаҳатлар олгани холда мустакил равища жисмоний машқлар ва спорт билан шуғулланиши;

-ўкув гурухлари, курс, факултет ва олий таълим муассасаси миқёсидаги оммавий спорт-соғломлаштириш тадбирларида фаол иштирок етиши;

-машғулот характеристига мос спорт кийими ва поябзалига ега бўлиши;

-жисмоний тарбия машғулотларини фаол дам олиш ҳамда кучли ақлий меҳнатдан кейин организмдаги физиологик жараёнларни тиклаш воситаси деб билиши лозим.

